242
ФИЛФАКА ОЛИНДИ

ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 242 (989)

8 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов ўтказувчи сайлов пунктлари бўйича вакилларини асосий ишларидан озод қилиш тўғрисида

Белгиланснинки, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов ўтказувчи сайлов пунктлари бўйича вакиллари асосий иш жойларида маошлари сақланган ҳолда 1957 йил 10 декабрдан 17 декабргача асосий ишларидан озод қилинадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри,
1957 йил 7 декабрь.

Республикамизда яна 200 минг тонна пахта тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳарбир кишининг ватанпарварлик бурчидир!

☆ ☆

Қишлоқ райкомларининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада тез суръатлар билан юксалтириш тадбирларини белгилаб, бу тадбирларни тўла амалга оширишни партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг асосий вазифаси қилиб қўйди. Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуришда партия томонидан кўрилган дастлабки тадбирлар ўзининг самарали натижаларини берди, партиявий раҳбарликни бевосита ишлаб чиқаришга яқинлаштиришда, колхоз, совхоз ва МТСларда фойдаланилмасдан ётган резервларни ишга солишда гоят катта роль ўйнади, социалистик қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш учун бизда жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг партия ва давлат аппарати ишларини яхшилаш тўғрисидаги тадбирлари партия органларининг раҳбарлик қилиш услублари ва методларини жиддий равишда яхшилашни таъминлади. Партия ташкилотлари кўпроқ ташкилий иш билан шуғулланадиган, ўзларининг асосий эътиборларини омма орасида жонли иш олиб боришга қаратадиган бўлиб қолдилар. Буни области мизда партия ташкилотлари мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бекобод ва Сирдарё район партия комитетлари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган қарорларини бажариш учун курашиб, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш савиясини бирмунча яхшиладилар, кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришга жиддий эътибор бера бошладилар. Улар колхоз, совхоз ва МТСлар ҳаёти билан яқиндан қизиқмоқдалар, омма билан алоқани мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият бермоқдлар. Шунинг учун ҳам бу районларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тўхтовсиз ривожланмоқда, колхозлар ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни тобора ривожлантириш вазифаси барча район партия комитетларидан қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш методларини тинмай такомиллаштиришни ва бу раҳбарликнинг савиясини янада оширишни талаб қилади. Колхозларга, МТС ва совхозларга ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам кўра конкрет ишнинг кўзини билиб моҳирлик билан раҳбарлик қилиш керак. Колхозчиларни, МТС ва совхоз ишчиларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг туб ва асосий масалаларини ҳал қилишга сафарбар этиш лозим.

Афсуски, бизда қишлоқ хўжалигига ҳали ҳам юзаки ва бирёклама раҳбарлик қилаётган, зарарли, бюрократик иш услубидан қутила олмаган, оммадан ва активлардан ажралиб қолган район партия комитетлари ҳам бор. Область партия комитетининг бюроси яқинда Чиноз район партия комитетининг ҳисоботини эшитиб, райкомнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлигини бутунлай қониқарсиз деб топди, районнинг хўжалик ва сиёсий ҳаётига раҳбарлик қилишни таъмин қила олмаганликлари учун райком секретарлари Солимуҳамедов ва Клевлеев ўртоқларни ишдан озод қилиш ва бу масалани район партия комитетининг пленуми муҳокамасига қўйиш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Райкомнинг яқинда бўлиб ўтган пленуми область партия комитети бюросининг қарорини маъқуллаб Солимуҳамедов ва Клевлеев ўртоқларни райком секретарлиги вазифасидан озод қилди.

Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Солимуҳамедов колхозларнинг ҳаётини, экономикасини чуқур ўрганишга қизиқмай қишлоқ хўжалигига юзаки раҳбарлик қилиб келган, активлардан ажралиб қолган, коллектив раҳбарлик принципини бузган, маъмуриятчиликка берилиб кетган, кишилар билан қўпол муомалада бўлган. Райкомнинг иккинчи секретари Клевлеев, райисполком раиси Қолдибоев ўртоқлар ва райкомнинг бошқа бюро аъзолари биринчи секретарь билан бўлган муносабатларини бузмаслик учун ўртоқ Солимуҳамедовнинг маъмуриятчиликка берилиб кетганлигига, унинг нотўғри иш услубига индамай, келишувчилик қилиб келганлар. Буларнинг ҳаммаси оқибатда партия ва давлат интизомининг бузилишига, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг сусайиб кетишига, колхозлар экономикасининг заифланишига, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг камайишига олиб келган. Чиноз районининг бир неча йиллардан бери қолоқликдан чиқмаётганлигига, пахта тайёрлашда бу йил ҳам энг охирги ўринда судралиб келаётганлигига асосий сабаб ана шулардир.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда қишлоқ район партия комитетларининг роли ниҳоятда каттадир. Сиёсий раҳбарлик органлари ҳисобланган райкомлар хўжалик учун, хўжаликнинг аҳволи учун жавобгардирлар. Партия ўз маҳаллий органларининг ишларига хўжаликдаги реал натижаларга қараб баҳо беради. Шунинг учун хўжаликка ишнинг кўзини билиб моҳирлик билан раҳбарлик қилиш санъатини ўрганиш, ленинча раҳбарлик услубини қунт билан эгаллаш керак.

Райкомларнинг аппаратини колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига бевосита яқинлаштириш лозим. Қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини муваффақият билан амалга оширмоқ учун колхозларга, МТС ва совхозларга раҳбарликнинг концелиярячилик-бюрократик усулидан иборат зарарли практикани тамомила йўқотиш лозим. Омма билан жонли алоқа боғлаш, топширилган иш учун ходимларнинг жавобгарлигини ошириш—раҳбарликнинг синалган ва энг тўғри йўлидир.

Кабинетларда вақтни камроқ ўтказиб, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари ўртасида кўпроқ бўлиш, уларни қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, колхоз, совхоз ва МТС бошлағич партия ташкилотларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, уларга амалий масалаларни ҳал қилишда, омма орасида сиёсий иш олиб боришда ёрдамлашиш — район партия комитети ходимларининг энг муҳим вазифасидир. Қишлоқ хўжалик йили якунланаётган, пахта йиғим-терининг сўнгги, ҳал қилувчи кунлари ўтаётган ҳозирги пайтда партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари ҳосилни сўнгги граммигача нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олишга ва пахта тайёрлаш давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Омма орасида жонли ташкилий иш олиб бориш, колхозларга, МТСларга ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатиш, қарорларнинг ижросини текшириб туриш — қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги асосий вазифадир. Бу вазифани бажаришда қишлоқ райкомининг биринчи секретари чинакам ташкилотчи, жонкуяр бўлиши, ўз партиявий бурчини зўр ихтирос ва ижодий ташаббус билан адо этиши керак. У, райкомнинг раҳбарлик иш услубини такомиллаштириш учун сабот, зўр ғайрат ва чидам билан кураш олиб бориши, маъмуриятчиликка мутлақо йўл қўймаслиги, кишиларга меҳрибон ва камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиши, ўзига топширилган иш учун ҳамма вақт юксак партиявий жавобгарликни ҳис қилиши лозим.

Партия органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш савиясини янада яхшилайлик, қишлоқ район партия комитетларининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштирайлик!

Ўзбекистон кузги ғалла экиш планини бажарди

Республикамизнинг колхоз ва совхозлари кузги ғалла экиш планини бажардилар. Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозлари ғалла экиш планини бирмунча ошириб бажардилар. 80 процентдан ортиқроқ ерга қимматли экин — буғдой экилди.

Кузги ғалла экиш давом эттирилмоқда.

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Республикада пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш ва пахта тайёрлаш планини бажариш тадбирлари тўғрисида

Республика пахта тайёрлаш давлат планини 93 процент бажарди. Яна салкам 200 минг тонна пахта тайёрлаш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси колхоз ва совхозларда пахта тайёрдашнинг боришини кўриб чиқиб, далада териб олинмаган мавжуд ҳосил умуман республика бўйича пахта тайёрлаш давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлайди, деб ҳисоблайди. Бироқ кўпгина область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари йиғим-терим ишларини қониқарсиз уюштирганликлари натижасида пахта тайёрлаш суръати жуда пасайиб кетди, бу ҳол йиғим-теримнинг чўзилиб кетишига ва етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари ҳар куни камида 3,5 минг тонна пахта топшириш ўрнига, кейинги кунларда 2,0 минг тоннагача пахта топширдилар. Самарқанд областининг колхоз ва совхозлари 3,0 минг тоннадан пахта топшириш ўрнига 1,5 минг тоннага етказиб ҳам пахта топшармайётирлар; Наманган областининг колхоз ва совхозлари 1,6 минг тонна ўрнига кунига салкам 900 тоннадан пахта топшармоқдалар. Фарғона области бўйича топширилаётган пахта белгиланган 1,8 минг тонна ўрнига 1,4 минг тоннадан ошмаётир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси Қарши, Ўзун, Денов, Андижон, Китоб, Шаҳрисабз, Янгиариқ, Ҳазорасп, Избоскан, Тўрткўл, Сталин, Қўшкўпир, Ленин, Урганч, Олтинкўл, Наманган, Задарё, Норин, Тошлоқ, Тўрақўрғон, Оржоникидзе районларининг партия, совет органлари, МТС, колхоз ва совхоз раҳбарларининг пахта тайёрлаш давлат планини бажаргандан кейин далаларда кўп миқдорда пахта бўлишига қарамай, ишни бўшаштириб юборганликларини ҳамда пландан ташқари пахта топшириш юзасидан ўзлари қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этмаётганликларини нотўғри деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси Оққўрғон, Боёвут, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Октябрь, Чиноз, Олтиариқ, Ўзбекистон, Фрунзе, Горский, Водил, Фарғона, Ёзёвон, Косонсой, Уйчи, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон, Бойсун, Шерабод, Мангит, Янгибозор, Ҳўжайли, Комсомол, Пастдарғом, Пахтакор, Пойариқ, Чархин, Булунғур, Кармана, Қизилтепа, Бухоро, Олот районларининг ва бошқа айрим районларнинг раҳбарлари эътиборини шунга жалб этадики, улар планни бажаришда кескин орқада қолаётганликларига ва уларнинг айби билан умуман республика бўйича планнинг бажарилиши кечга сурилиб кетаётганлигига қарамай, ана шу районларнинг район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари бутун ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш юзасидан ўзларига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрмаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси ҳисоблайдики, пахта тайёрлашнинг ҳозирги якунловчи даврида, яъни партия, совет, қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва тайёрлов органлари олдида, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари олдида қолган 200 минг тонна пахтани тезроқ териб олиб, давлатга топшириш вазифаси турган бир даврда ишнинг муваффақиятини аввало, партия ва давлат аппаратининг барча звеноларида, колхоз, совхоз ва МТСларда бенихоя ғайрат кўрсатиб ишлаш вазиятини вужудга келтириш ҳал этади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси пахта тайёрлаш планини СССР Олий Совети сессияси шарафига ва пахтакорларнинг Бутуниттифоқ биринчи қурултойи очилиши олдидан — 20-22 декабргача муваффақиятли бажариш, 1958 йил ҳосили учун барча кузги-қишки ишларни батамом тугаллаш учун республикада ҳамма имкониятлар бор, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси ана шу асосий вазифани назарда тутиб ҳамда область партия ва совет ташкилотларининг таклифларини ҳисобга олиб **қарор қилди:**

1. 20-22 декабргача пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан қуйидаги топшириқлар белгилансин:

Областлар	ҳаммаси (минг тонна ҳисобида)	ҳар куни (тонна ҳисобида)
Тошкент	62	3685
Фарғона	23	1500
Наманган	23	1400
Андижон	18	1100
Самарқанд	30	2000
Бухоро	5	400
Қашқадарё	6	300
Сурхондарё	10	700
Хоразм	20	1340
Қорақалпоғистон АССР	10	675

Область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, совхоз директорлари, колхоз правлениелари бир кун муддат ичида ана шу топшириқларни колхозларга, совхозларга, совхозларнинг бўлимларига ва бригадаларга, ҳар бир теримичига етказишлари ҳамда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак.

2. Барча областлар, районлар, колхоз ва совхозлар белгиланган топшириқларни сўзсиз бажаришлари учун қуйидаги ишларни амалга оширишлари зарур:

а) қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш конвейер усули билан ташкил этилиб, ҳар бир даланинг тўла тозаланиши таъминлансин ва шунинг кетидан ғўзапоя йиғиштириб олиниб, ер шудгор қилинсин;

б) кўсакни машинада бир марта тозадаб олгандан кейин ғўзапўчоқда анчагина пахта қолиб кетишини назарда тутиб, ҳамма жойда ғўзапўчоқ машинада қайтадан тозалансин ва, пахтани батамом ажратиб олиш мумкин бўлмаган жойларда ғўзапўчоқ учинчи марта қўлда тозалансин. Қўлда тозалаш жамоат биноларида коллектив равишда уюштирилсин;

в) ғўзапоя юлингандан кейин шудгорлаш олдида ерга тўкилган пахтанинг ҳаммаси, шунингдек ғўзапояда ва чаноқларда қолган пахта сира қўймай териб олинсин, илгари юлиб олинган ғўзапоянинг ҳар бир боғи биттама-битта кўздан кечириб чиқилсин ҳамда қоддириб кетилган кўракларнинг ҳаммаси ва айрим чигит пахта батамом териб олинсин;

г) катта йўлларда ва дала йўлларида, хирмонларда, пахта қуритадиган майдонларда, дала бўйлари ва нобудгарчиликка йўл қўйилган бошқа жойларда тўкилган пахта системали равишда териб олинсин;

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органларининг, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг эътиборини шунга жалб этадики, мавжуд пахта ҳосилининг ҳаммасини тезроқ йиғиб-териб олиш юзасидан қўйилган вазифа ишга яроқли барча колхозчилар, совхоз ишчилари, шунингдек район марказлари ва қишлоқ жойлардаги ишга яроқли аҳоли сафарбар этилган ҳамда ҳосилни териб олишга кам деганда 1 миллион киши чиқарилган, теримчиларнинг юксак унумли ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилган тақдирдагина бажарилиши мумкин.

3. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси озгина бўлсада пахта нобудгарчилигига ва пахтанинг моллар пайхон қилишига йўл қўймаслик республика пахта тайёрлаш давлат планини бажаришининг энг муҳим шарти деб ҳисоблаб, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларини, колхоз правлениеларини, совхоз ва МТС ларнинг раҳбарларини, барча колхозчиларни, совхоз ишчиларини ва механизаторларни яна бир карра огоҳлантириб ўтади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси оммавий тушунтириш ишлари олиб бориш билан бир қаторда нобудгарчиликка ва пахтани молларга пайхон қилдиришга йўл қўйган кишиларни қаттиқ жазолашни талаб қилади.

4. Ҳар бир колхозчи, совхоз, МТС ходими, ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллашда колхоз ва совхозларга ёрдам бериш истагини билдирган шаҳар ва район марказлари меҳнаткашларининг умуман республика бўйича пахта тайёрлаш давлат плани бажарилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир теримчига Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг мактуби юборилсин.

5. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси қониқиш билан қайд қиладики, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, студент ва ўқувчилар, республикамизнинг барча меҳнаткашлари, партия ва совет активи, қишлоқ хўжалик мутахассислари, тайёрлов системасининг ходимлари пахта ҳосили етиштириш ва тайёрлаш даврида яхши ишладилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси ишонч билдирадики, колхозчилар, совхоз ва МТС ларнинг ишчилари, тайёрлов пунктларида ва пахта тозалаш заводларининг ходимлари ҳамда республиканинг барча меҳнаткашлари пахта тайёрлашнинг якунловчи даврида ҳам актив қатнашадилар ва қолган ҳосилнинг ҳаммасини йиғиб-териб олиш учун ўз кучларини аямайдилар ва бу билан умуман республика бўйича пахта тайёрлаш планининг яқин 15 кун ичида бажарилишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси пахта тайёрлаш плани бажарилгандан кейин уч кун умумхалқ пахта байрами ўтказишни зарур, деб топди.

6. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси шу йил декабрь ойининг охирида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини чақириб, унда қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва республиканинг 1958 йил учун мажбуриятларини муҳокама қилиб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди.

7. Белгиланган топшириқни бажаришда район партия ва совет ташкилотларига ёрдам бермоқ учун Марказий Комитет аъзолари, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, ревизия комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, шунингдек область партия комитетларининг аъзолари ва меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг депутатлари районларга бириктиб қўйилсин.

8. Пахта ҳосилини териб олишни тугаллаш ва кузги-қишки ишларни ўтказишда область ташкилотларига ёрдам бериш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети президиуми аъзоларидан:

Н. А. Муҳитдинов, Қ. М. Муртазоев, Ё. С. Насриддинова ўртоқлар — Тошкент областига, ўртоқ Р. Е. Мельников — Самарқанд областига, ўртоқ Г. А. Габриельянц—Қорақалпоғистон АССР га, ўртоқ М. А. Абдураззоқов — Андижон областига, ўртоқ З. Р. Раҳимбобоева — Хоразм областига, ўртоқ М. З. Мирзаахмедов — Фарғона областига, ўртоқ М. В. Муҳаммаджонов — Наманган областига, ўртоқ А. Ҳўжаев — Қашқадарё областига, ўртоқ С. К. Зиёдуллаев — Бухоро областига, ўртоқ М. М. Мусохонов — Сурхондарё областига, ўртоқ М. Й. Йўлдошев — Тошкент области совхозларига командировка қилинсин.

☆ ☆

Суръатни бўшаштиришга асос йўқ

Шу кунларда Максим Горький номли колхоз далаларида бўлсангиз худди йиғим-терим қизғин тус олган кунлардагидек гавжум. Қишлоқдаги каттадан-кичикнинг ҳаммаси етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга отланганлигини кўрасиз. Бригада бошлиқлари, правление аъзолари ва қишлоқ коммунистлари бу ишга бош бўлиб, дала ишлари суръатини кучайтирмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти шу кунларда терим ишларини пухта ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Кўсак тераётган колхозчилар ва ёрдамчилар учун қулай шароит яратиб берилди. Пахтакорлар группаларга бўлиниб кўсак термоқдалар. Уларга вақти-вақтида бепул иссиқ овқат қилиб берилади. Шу кун терган кўсаги учун кечқурун килограммига 50 тийиндан ҳисоблаб нахт пул олади. Кеча колхозчи Х. Шодиев эришган ютуқ ҳаммани қойил қолдирди. У, кундалик топшириқни анча ошириб бажарди — бир кунда 286 килограмм кўсак терди. Колхоз кассири кечқурун ўртоқ Шодиевга 143 сўм нахт пул санаб берди. Мавсумда 10-15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган Сафаргул Бегимқулова, Темир Қалдибоева, Ҳасан Шодиев ўртоқлар ҳам шу кунларда 220-230 килограммдан кўсак териб бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Райондаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Ленин йўли» колхозларда ҳам йиғим-теримни муваффақиятли якунлаш учун барча тадбирлар амалга оширилган. Карл Маркс номли колхозда ҳар бир колхозчи кўсак териш юзасидан берилган кундалик топшириқни тўла ва ошириб бажармоқда.

Шуни айтиш керакки, райондаги ҳамма колхозларда ҳам кўсак териш ишлари талабга мувофиқ ташкил этилмаган. Ленин номли, Ворошилов номли, Сталин номли колхозларда колхозчилар учун шароит яратиб берилмаган. Кўсак тераётган ва пахта қуритиш ҳамда уни қабул пунктига етказиб беришда ишлаётган кишилар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Шундай фактлар ҳам борки, масалан Сталин номли колхозда ишга яроқли колхозчиларнинг ҳаммаси теримга сафарбар этилмаган. Колхоз раҳбарлари ҳозирги мураккаб шароитда ишни тўғри ташкил қила билмаётирлар.

Ўрта Чирчиқ районидаги бирқанча колхозлар йиғим-терим суръатини сусайтириб юборгани учун районлар сводкасида тўртинчи ўринга тушиб қолди. Районда кундалик пахта топшириш суръати ҳам анча пасайиб кетди. Ўрта чирчиқликлар дастлабки муваффақиятдан мағрурланмасликлари, йиллик планни тўла бажариш учун илгаригига қараганда янада эўр ғайрат кўрсатиб ишлашлари керак.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Механизаторлар ғайрати

Об-ҳаво шароити оғирлашган сари пахта тайёрлашда азамат механизаторларимиз зиммасига янада кўпроқ вазифалар юкланади. Терилган кўсакни пешма-пеш чувиш учун кўсак чувиш машиналари, пахтани қуритиш учун газ сушилкалари кеча-кундуз мунтазам ишлаши зарур. Маълумки, буларнинг ҳаммаси трактор қуввати билан ҳаракатга келтирилади. Шунингдек, йўллар музлаб қатқалоқ пайдо бўлган кунларда от-аравларнинг пахта ташиши қийинлашади. Бунда ҳам аравакашларга механизаторлар ёрдамга келадилар. Сирдарё районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган Сирдарё 2-МТСининг И. Баталов бошлиқ трактор бригадаси механизаторлари ҳосилнинг сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиб олиш учун астойдил ғайрат билан ишламоқдалар.

ДТ-14, ДТ-24 маркали 4 «универсал» қуритилган пахтани тайёрлаш пунктига ташишга ажратилган, 3 та «универсал» эса 3 та газ сушилкасининг мунтазам ишлашини таъминламоқда. А. Бўраметов, К. Бакирадзелар бошқараётган «ХЧВ» кўсак чувиш машиналари билан 10-12 тоннадан кўсак чувилмоқда. Шунингдек, бригада механизаторларидан М. Сулюков ўз машиналарини ғўзапоя юлишга, Қ. Бўрибоев, А. Родионовлар ер ҳайдашга сифатли тайёрлаб қўйдилар.

Колхоз аъзоларининг 980 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиб олишларига муносиб ҳисса қўшган И. Баталов бошлиқ трактор бригадаси механизаторлари ҳосилнинг сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиб олиш учун астойдил ғайрат билан ишламоқдалар.

Нўмон САИДОВ.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 7 декабргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БУСТОНЛИҚ	0,17	112,61	Янгийўл	0,41	85,13
ОРЖОНИКИДЗЕ	0,39	101,44	Верхне-волинск	0,51	83,52
Юқори Чирчиқ	0,37	92,02	Оҳангарон	0,73	82,73
Ўрта Чирчиқ	0,30	91,64	Бўка	0,26	79,94
Пискент	0,40	91,17	Октябрь	0,38	78,39
Бекобод	0,90	88,32	Калинин	0,52	77,94
Ўртасарой	0,24	86,81	Оққўрғон	0,41	77,31
Сирдарё	0,27	86,07	Чиноз	0,35	75,18
Мирзачўл	0,46	85,55	Боёвут	0,60	68,29
Гулистон	0,53	85,38	Қуйи Чирчиқ	0,21	63,68

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 7 декабргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«КУКОРОЛ»	0,31	113,86	«Социализм»	0,41	72,35
3-«Оҳангарон»	1,66	96,0	«Гулистон»	0,78	66,83
1-«Далварзин»	0,56	89,71	3-«Боёвут»	0,62	65,19
Киров номли	0,37	89,24	1-«Боёвут»	0,75	65,09
«Пискент»	0,35	86,93	«Дружба»	0,95	64,80
2-«Оҳангарон»	0,40	86,0	«Мирзачўл»	0,60	64,18
2-«Далварзин»	0,67	83,55	1-«Оҳангарон»	0,33	64,0
4-«Вревский»	0,63	83,13	«УзССР беш йиллиги»	0,21	63,22
«Чаноқ»	0,63	80,78	1-«Фарҳод»	0,64	56,12
«Малик»	0,13	78,23	Булганин номли	0,23	54,73
«Оққўрғон»	0,45	77,93	Бушуев номли	0,17	42,44

Илғор ишчининг пахтакорларга муносиб ёрдами

Тошкент экскаватор заводи 2-механика цехининг ишчиси Геннадий Лукиенко пахта йиғим-терими бошланган дастлабки кунданоқ оталик-даги колхозга ёрдам бериш учун борди. У колхозчилар ёнида туриб кўп пахта теришни ўрганди. Ўртоқ Лукиенконинг экскаватор қисмларини ишлаган забардаст қўллари пахта теришга дарров кўника олмади. Бироқ ҳаракатчан ва эпчил бу йигит янги иш — пахта теришни тезда ўрганди.

Экскаватор заводи бир неча йилдан бери Октябрь районидаги «Ўзбекистон» колхозига оталик ёрдами кўрсатиб келади. Коллективнинг аъзоси Геннадий Лукиенко ҳам ана шу оталик ёрдами кўрсатишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. У колхозда бир ойдан ортиқ пахта терди. Терилган пахта ҳисобланганда Лукиенконинг терган пахтаси ҳар кунига 80 килограмм данга тўғри келар экан.

2-механика цехининг чархловчиси Г. Лукиенко шу кунларда ўз қадрдон заводида берилган топшириқларни тўла ва ошириб бажариш учун ҳамкасблари қатори астойдил меҳнат қилмоқда. **Суратда: Г. Лукиенко.**

Текст ва фото **Б. Имомовники.**

Редакцияга хатлар

Оби нонларни саноат йўли билан тайёрлаш ташкил этилсин

Тандирда ёпиладиган ва «уй нони» деб ном олган ўзбек миллий нони кўп асрлардан бери аҳоли томонидан суюб истеъмол қилинади. Тандир нони ўзининг мазаллиқлиги ва чиройлилиги билан бошқа хил нонлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам фақат ўзбекларгина эмас, балки бошқа миллат кишилари ҳам, печда пишириладиган нонларга қараганда оби нонни яхши кўрадилар.

Тандирда ёпиладиган нонларга нисбатан эҳтиёжнинг жуда катталигига қарамай, шу пайтга қадар бу маҳсулотни саноат йўли билан тайёрлашга ўтилмаган. Бунга асосий сабаб — тандирга нон ёпишнинг қийинлиги ва иш шароитининг оғирлигидир. Ҳозирги пайтда обинон ёпилаётган саноат тандирлари фақат ҳажм жиҳатидан катта бўлганлиги учун печь деб аталади. Аслида бундай печга нон ёпиш технологияси кичик тандирга нон ёпишдан сира фарқ қилмайди. Нонвой ясалган нонни тандирга ёпиш учун минут сайин тандир ичига бошн билан кириб-чиқиб туради. Лангиллаб ёниб турган тош кўмир яллигида ишлаш қийин ва киши организми учун зararлидир.

Мана шунинг учун ҳам миллий нонни саноат йўли билан катта тандирда ёпиш унча ривожлантирилмай келди. Нон саноати раҳбарлари тандирга ёпишнинг юқоридаги каби ноқулайлигини назарда тутиб, оби нонларни кўплаб тайёрлашни тўхтатиб, тўғри иш қилдиларми? Бизнингча, тўғри бўлмади. Нега деганда, юқори малакали ва тажрибали кадрларга, қудратли механизмларга, илмий-текшириш ва тажриба ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон нон саноати аллақачоноқ саноат йўли билан ёпган нон чиқариш имкониятига эга эди. Очиғини айтганда, бу иш билан ҳеч ким жиддий шуғулланган йўқ. Бунинг натижасида ёпган нонга эҳтиёж зўр бўлган районларда эскича усулда катта тандирда нон ёпиб келмоқдалар.

Нон саноати ходимлари, миллий нон ёпиладиган ва ҳозирги замон техникаси талабларига жавоб берадиган, механизацияланган корхона қуришга бир эмас, бир неча марта уриниб кўрилди, бироқ кутилган натижага эришилмади, дейишлари мумкин. Тўғри, бу ишга бир неча марта уринилди-ю, аммо ижобий натижа чиқмади. Чунки бунга уринганларнинг ҳаммаси оби нон тайёрлаш технология процессининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутмаган ҳолда юқори унумли машиналар конструкциясини тайёрлашга интилдилар. Уларнинг ҳаммаси ўртоқ Гриншпун томонидан ихтиро қилинган ХПГ универсал печини мақтаб юборишдилар. Ваҳоланки, бу печда нон ёпиб бўлмайди, балки ёпмасдан пиширилади (ҳозирги гижда нон сингари).

Мен 21 йил муқаддам саноат йўли билан кўплаб оби нон тайёрлайдиган тандир конструкциясини тақдим этган эдим. Ўша пайтда Тошкентдаги Киров номли нон заводи қурилишининг бошлиғи бўлиб ишлардим. Нон ёпиш технологияси ва нонвойларнинг иш шароити билан яқиндан танишгач, конструктив тандир яратиш устида ўзимча узоқ вақт ўйлаб юрдим, бир қанча вариантда катта тандир тайёрлаб кўрдим. Ниҳоят, кўзланган натижага эришдим. Мен тайёрлаган тандир оддий ўзбекча катта тандирдан кўриниш жиҳатидан жуда кам фарқ қилади. Лекин унинг афзаллиги шундан иборатки, янги тандир икки бўлакдан иборат, яъни тиккасига иккига бўлинган. Бу тандирга олов қўшни хонадан қўйилади. Тандир қизигач, унинг биринчи ярми механизм воситаси билан оловдан анча олдинга тортилади ва нонвой углекислий газдан ҳали жойда осонгина нон ёпади, сўнг бу бўлакни олов устига юбориб, иккинчи бўлакка худди шу тарзда ёпади. Нон пишгач, яна юқоридаги процесс такрорланади. (Тандир тубига кичкина гилдиракчалар ўрнатилган бўлиб, улар махсус изда ҳаракатланадилар).

Тандирга олов қўйиш ва ундан ортиқча оловни олиш қўшни хонада бажарилиши, олов сиз жойда нон ёпиш ва узиш, ниҳоят, бундай қулай тандирни ҳозирги катта тандирлардан ҳам каттароқ қилиб ясаш ҳамда бир неча тандирни ёнма-ён жойлаштириш мумкинлиги исталган миқдорда ёпган нон чиқариш имкониятини беради. Мана шу тандир 1936 йилда 3-нон заводида бир неча марта тажриба қилиб кўрилди. Ўзбекистон ССР собиқ «Главхлеб» трестининг тажрибали технолог ва нонвойларидан иборат махсус комиссия унда бир тоннача нон ёпиб кўргач, ижобий хулосага келди ва қуйидаги мазмунда акт тузди:

«1. Ўртоқ Ресслер томонидан тақдим этилган тандир конструкцияси нонвойхоналарда барча санитариягигиена талабларига жавоб берадиган тарзда миллий нон ёпиш учун мутлақо яроқлидир.

2. Бу тандирда ёпиладиган нон ранги, мазаси ва ташқи кўриниши жиҳатидан оддий тандирларда ёпиладиган нондан сира фарқ қилмайди...

3. Янги нонвойхоналар проектини тайёрлашда юқоридаги конструкцияни қўлланиш кўзда тутилсин».

Янги тандир конструкциясини ва технологик процессини СССР «Главхлеб»нинг техника кенгаши ҳам тасдиқлади. Шундан кейин, бу янгилик корхоналарга жорий этилади, деган умид билан бир неча йил кутдик. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Мана ҳалигача ҳам у янгилик лоақал битта нонвойхонада ҳам қўлланилгани йўқ.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хилини ва миқдорини кўпайтириш масаласига катта эътибор берилаётган ҳозирги пайтда ўша эски, аммо моҳият эътибори билан янги тандирларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларда нон ёпа бошлашга ўтиш аҳоли эҳтиёжларини қондириш йўлида килинган яна бир ғамхўрлик бўлади. Эндиликда саноат янгича усулда бошқарилаётир, яратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари илгаригидек кўп босқичлардан ўтмай, тезда ишлаб чиқаришга жорий этилаётир. Бир муҳим ихтиронинг автори сифатида мен ҳам нон саноати ходимларидан янги конструкциядаги тандирни қўлланишларини кутаман. Буни қўлланиш нон саноатимиз, қолаверса аҳоли учун фойдалидир. Янги тандирни фақат шаҳарлардаги йирик нонвойхоналардагина эмас, балки шу билан бирга саноат кооперацияси системасидаги ва колхозлардаги нонвойхоналарга ҳам ўрнатиш мумкин.

В. РЕССЛЕР,
инженер.

Тошкентдаги 1-босмахона Ўзбекистон ССРда яқинда бўладиган халқ судларига сайлов муносабати билан кўп нусхада китоб ва брошюралар нашр этди. **Суратда:** босмахона техника-назорат бўлимининг контролёри **М. Комоненко** ва муқова цехининг бошлиғи **В. Зарипов** ўртоқлар «Совет суди — чинакам халқ суди» деган брошюранинг сифатини текшираётирлар.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкент совнархози корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар

Тошкент Халқ хўжалик кенгашига қарашли саноат корхоналари коллективлари ўртасида байрамолди мусобақасида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили—1957 йил давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Шу сабабли ҳам корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора кўпаймоқда, давлат планлари тўла ва ортиқ билан бажарилаётир.

Кенгашга қарашли саноат корхоналари ноябрь ойи топшириғини 104,1 процентга етказиб бажардилар. 11 ойлик план эса муддатидан анча илгари бажарилиб, пландан ташқари 275,7 миллион сўмлик турли хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Социалистик мусобақада Кенгашнинг машинасозлик саноати бошқармасига қарашли корхона коллективлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ноябрь ойи плани бу бошқарма бўйича 111,7 процентга етказиб бажарилди. Шунингдек, оғир саноат бошқармасига қарашли корхоналар ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар. 11 ойлик план бу бошқарма бўйича 104,3 процент қилиб бажарилди.

Кенгашга қарашли кўпгина корхона коллективлари ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик планни бажариб қўйдилар. Тошкент қоғоз комбинати, Олмалиқ, Бекобод ва Тошкент гўшт комбинатлари, Янгийўл ва Тошкент сут комбинатлари, Тошкент ёғочсозлик заводи ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир. «Ташсельмаш» заводи товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, «Чирчиксельмаш» ва «Ўзбексельмаш» заводлари яппи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган йиллик планни бажардилар.

А. РАҲМОНОВ,
Тошкент Халқ хўжалик кенгаши раисининг ёрдамчиси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Сайловчилар наказа амалда

Социалистик мамлакатимизда халқ хўжалигига меҳнаткашлар вакилларидан ташкил топган маҳаллий Советлар раҳбарлик қиладилар. Маҳаллий совет муваффақияти унинг халқ билан қанчалик яқиндан алоқа тутганлигига, депутатлар фаолиятини ҳар томонлама оширганлигига боғлиқдир. Мана шунинг учун ҳам сайловчилар томонидан депутатларга, маҳаллий Советларга берилган кўп сонли наказларни амалга ошириш учун кураш катта аҳамиятга эга.

Кенг меҳнаткашлар оммасини давлатни бевосита идора этишда иштирок қилиши сайловчилар наказларида ҳам ўз ифодасини топган. Сайловчилар ўз наказлари билан Советлар эътиборини хўжаликни ривожлантиришга, маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, кишиларимизнинг турмуш даражасини янада юксак даражага кўтариш билан боғлиқ бўлган масалаларга жалб этадилар. Шу сабабли ҳам сайловчилар наказини амалга ошириш учун кураш маҳаллий Советлар фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади, меҳнаткашларни Советларга янада яқинроқ қилиб қўяди. Биз буни ўз ишимизда доимо сезиб турибмиз.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайлов кампанияси даврида қишлоғимиздаги сайловчилар ўз депутатларига 18-боғ совхозида маданий-оқартув ишларини кенг йўлга қўйиб юборишда, совхознинг ишчи ва хизматчилари учун янги уй-жойлар қуриб беришда ёрдамлашишни илтимос қилган эдилар. Советимизнинг депутатлари совхоз маъмурияти билан келишиб, бу соҳада анча ишлар қилдилар. Совхозда 250 дан ортиқ киши сиғадиган ёзги кинотеатр қурилди, бир неча янги телевизор ва радиоприёмниклар сотиб олинди. Шу кунларда совхоз клубида ишчи ва хизматчилар ишдан ташқари бўш вақтларида биллиард, шахмат-шашка ва бошқа хил кўнгил очар ўйинлар ўйнаб, маданий дам олмоқдалар, газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиб, янгиликлар билан танишмоқдалар. Совхознинг 15 дан ортиқ ишчи ва хизматчисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилиб берилди. Сайловчилар наказа асосида қурила бошланган аптека битказилиб, ишга туширилди.

Шуни алоҳида уқтириб ўтиш зарурки, сайловчилар наказларини ўрганиш ва амалга ошириш соҳасида ободончилик доимий комиссияси (раиси депутат М. Расулев) ва халқ маориф комиссияси (раиси депутат З. Шарипов) бошқа комиссияларга нисбатан яхши ишламоқда. Ободончилик комиссиясининг ташаббуси билан совхоз ишчилари яқинда водопровод суви билан таъминландилар. Бир неча километр узунликдаги совхознинг ички йўллари ва катта йўллар текисланди, ҳаммом ҳафтасига икки марта ишлайдиган бўлиб қолди.

Кўпгина депутатларимиз борки, улар ўз вазифаларини бажариш билан бир вақтда Совет ишига яқиндан ёрдам берадилар, камчиликларни тузатиш ва олиб борилаётган ишни янада яхши йўлга қўйиб юбориш соҳасида конкрет маслаҳатлар берадилар. С. Абдурахмонов, Р. Исамуҳамедова, П. Раҳмонова, З. Қўшжонова, П. Пономарев, М. Расулев ўртоқлар ана шундай депутатларимиздандирлар. Депутат П. Пономарев мактаб ёшида бўлган барча болаларни ўқишга жалб этиш, мактабларни ремонт қилиш ва кенгайтириш соҳасида жон куйдириб ишлади. Натижада бу ўқув йилида мактабларда ўқиётган болаларнинг сони анча ўсди, синфларнинг сони 4 хонага кўпайди.

Сайловчилар наказаларини амалга ошириш соҳасида муваффақиятларга шунинг учун ҳам эришмоқдамизки, қишлоқ Совети ўз ишини қатъий тузилган план асосида олиб боради, сессиялар ўз вақтида ўтказилади, уларда қаётий муҳим масалалар муҳокама қилинади. Тинчлик манифести ва социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясидан руҳланган депутатларимиз меҳнаткашлар оммаси билан алоқани яқиндан мустаҳкамлаб, қишлоқ Совет фаолиятини янада яхшилайдилар.

А. ТОЖИХОНОВ,
Тошкент район, Фрунзе қишлоқ Советининг раиси.

Қимматли таклиф

«Ўзбексельмаш» заводи қуюв цехининг старший участка мастери ўртоқ Шароф Қосимов электр печга тарнов ўрнатиб, металлни ана шу тарновдан оқизишни таклиф этди. Новаторнинг бу ташаббуси завод маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада эритилган металлни ковшларда ташиш механизация ёрдамида бажариладиган бўлди. Бу қимматли таклиф бир йилда 50 минг сўм фойда келтиради ва металлни электр печга ўтказиш учун кетадиган вақтни бирмунча камайтиради.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Клуб нима учун қурилган эди?

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз райондаги энг йирик колхозлардан бири. Колхозда бундан бир неча йил илгари хашаматли клуб биноси қурилган эди. Клуб яхши жиҳозланган ва турли плакатлар, портретлар билан безатилган эди. Йиллар ўтиши билан клуб ремонтга муҳтож бўлди, жиҳозлари ишдан чиқди. Клуб мудири ва колхоз раҳбарлари унга хўжасизлик билан қарадилар. Натижада клуб эгаси ташлаб кетган эски бинога айланди.

Ҳозир клуб ромидаги синган ойналар ўрнига фанерлар қоқиб қўйилган. Унда на плакат ва на бирорта портрет қолган. Синиқ стуллар эса клуб саҳнасига тахлаб қўйилган. Онда-сонда колхозга келадиган кинофильмни тамошабинлар тикка туриб, баъзилари ерда ўтириб кўришга мажбур бўлмоқдалар.

Клуб мудири комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ М. Илашев, колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Х. Сермирзаев ўртоқлар клубни ремонт қилдириш, уни қайта жиҳозлашни ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ.

Колхоз аъзолари, айниқса комсомол-ёшлар клубни маданий дам олиш жойига айлантириш, клубда шахмат-шашка ўйнаш, кинофильм, концертлар кўришни истайдилар. Колхоз раҳбарлари аъзоларнинг бу ҳақли талабларини қачон амалга оширадилар?

А. ИНОҒОМОВ,
ўқитувчи.

Киоска очилсин

Шаҳримизнинг Тахтапул мавзуъи кундан-кунга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Яқин йиллар ичида мавзуъда чоллар чойхонаси, «Собир Раҳимов» кинотеатри, гидромелиорация техникуми ва бир неча янги уй-жой бинолари қурилди, бу атрофда аҳолининг сони кўпайиб бормоқда. Шундай бўлишига қарамай нима учундир «Союзпечать»нинг шаҳар бўлими шу пайтгача бу жойга газеталар сотувчи киоска очмаган. Шунингдек бу ерда китоб магазини ҳам йўқ.

«Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлими (бошлиғи ўртоқ Г. Золотарёв) бу маҳаллада яшовчи аҳолининг газета ва журналларга бўлган талабини қондириб Тахтапулда газета ва журналлар сотувчи киоска очиб берсин.

Қудрат АҲМЕДОВ,
студент.

15 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

Сайловчилар учун лекциялар

Янгийўл шаҳрида халқ судларига бўладиган сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётир. Шаҳар ва райондаги 38 та агитпунктда сайловчиларга хизмат кўрсатиш намунали олиб борилмоқда.

Ёғ-экспеллер заводи ҳузурида ташкил этилган агитпункт кечқурунлари гавжум бўлади. Бу ерда сайловчилар учун ҳар хил темаларда қизиқарли суҳбат ва лекциялар уюштирилаётир. Ленин номидаги мактаб илмий мудири ўртоқ Вайсер СССР Олий Советининг юбилей сессияси материалларини сайловчиларга тушунтириб берди. Бу агитпунктда Совет Конституцияси тўғрисида савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди.

Агитпунктнинг 25 кишидан иборат ишчан коллективи сайловолди кампаниясига жуда яхши тайёргарлик кўрган. Агитаторлардан Бобровская, Шкода, Мальцев сингари коммунистлар сайловчиларнинг уйларида бўлиб, уларга Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясини ҳамда Тинчлик манифестини тушунтириб бермоқдалар.

Яқинда шаҳар сайловчилари учун «Ер сунъий йўлдоши ва планеталарга учиш проблемаси» деган темада лекция ўқилди. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият Тошкент область бўлимининг лектори ўртоқ Поляков бу лекцияни анча тушунарли ва қизиқарли тарзда ўқиди.

Деярлик ҳамма жойда халқ судлари ва маслаҳатчиларига кандидатлар кўрсатиш йиғилишлари бўлиб ўтди. Сталин номли қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари Абдулла Мухторович Янгийўл 25-сайлов округи бўйича халқ судьялигига кандидат қилиб кўрсатдилар.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Меҳрибон устоз

— Диспетчер, 1312-сонли поезд станциядан белгиланган вақтда ўтиб кетди.

Бу, станция навбатчисининг диспетчерга берган оғзидаги рапортларидан бири эди. Диспетчер рапортдан жуда мамнун эди, шу сабабли бўлса керак у, телефон трубкасини қўйтириб, мийғида кулди ва ўзича:

— Молодец Ледяев, — деб қўйди.

...Қозогистоннинг кети узилмас ясси қирлари. Шамол жон-жаҳди билан ҳуштак чалиб қаёққадир жуда ошиқмоқда. Телефон ва телеграф столбалари турнақатордек ўтиб турибди. Состав Тошкент томон илдам кетмоқда. Унинг пўлат елкаларига ортиб олган юкларни фабрика ва заводлар, улкан қурилишлар орзиқиб кутмоқда.

Мана, Жилга станцияси ҳам орқада қолиб кетди. Атроф ҳамон бўмбўш чўл. Думалоқ чўл ўтлари худди кипритиндек чаққон-чаққон ўрмаламоқда. У ҳам қаергадир ошиқаётир. Ҳадемай темир йўл ясси қирга қараб кўтарилади. Бундан бери ўзига тиркалган 50 га яқин платформани сира назар-писанд қилмай илдам тортиб келаётган локомотив ўз юришини секинлатади.

Машинист ёрдамчиси Саъдулла дизель оборотини тезлаштирди, чунки составнинг қирга кўтарилиши учун қўшимча куч зарур эди. Локомотив анча тез юра бошлади. Бироқ кўп ўтмай тўсатдан дизелларнинг бири ишлашдан тўхтади. Составнинг юриши аввалгидан ҳам суслашди. Саъдулла ишга яқинда-гина келганлиги учунми, ё бошқа сабабданми — ҳаҳолда шошиб қолди, чунки «касал»нинг олди олинмаса, юқорига зўр куч билан кўтарилаётган состав бутунлай тўхтаб қолиши мумкин. Бу эса темир йўлнинг пўлат интизоми ҳисобланган графикнинг бузилиши демакдир. Биргина сенинг айбинг билан шу йўлдан ўтадиган бошқа составларнинг ҳам тўхтаб қолиши ва манзилга ўз вақтида етиб бориши хавф остида қолади.

Михаил Ефимович ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларини боядан бери зимдан кузатиб турарди. У, темир йўл транспортида узоқ йиллар мобайнида ишлаб, катта тажрибага эга бўлганлиги учун, бундай пайтларда ҳовлиқиб, шошиб қолмайди. Баъзи машинистлар бирор камчилик юз бериб, шогирдларга нима қилишни билмай ҳаёл суриб қолганда, дарров туриб ўзлари ишга аралашадилар. Ледяев эса бундай қилмайди. Михаил Ефимович «қани, ўзи эплай олармикин» деб ишни шогирдга ташлаб қўяди. Ледяев ўз шогирдларини доимо мустақил равишда ишлашга, ўз кучига ва билимига ишонч билан қарашга ўргатади.

Саъдулла қўлини қаерга урарини билмай, ҳамон ҳайрон эди. У, устозига нима қилай деган мазмунда савол назари билан қаради, устоз эса кулиб қўйди. Бу билан у, «қани, ўзинг топ-чи, нима қилиш керак» деди. Шогирд бироз ҳаёл суриб тургач, шошганича юқори вольтли кабинани очди, у ер-бу ерни кўздан кечирди, контактор ва релеларни синчиклаб бирма-бир қараб чиқди. Унга ҳамма нарса ўз жойида, бояги-боягисидек турагандай бўлиб кўринди. «Касал» қаерда бўлиши мумкин?— шогирд ўйланиб қолди.

Шу орада составнинг аҳволи борган сари ёмонлашди, тезлик минут сайин пасайиб борарди.

— Шаҳар бердингми? — деди Михаил Ефимович ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

Саъдулла қаттиқ ҳижолатдан бўлса керак, қулоқларигача шалғомдай қизариб кетган эди. У, ҳаданда устозининг саволига жавоб бермади. Михаил Ефимович ўз шогирдини ноқулай аҳволдан чиқариш учун бўлса керак, деди:

— Уялмаслик керак, ҳамма нарвоннинг бошига бирдан сакраб чиққан эмас, балки қадамба-қадам чиқади. — У ўрнидан туриб ишга киришар экан, яна қўшиб қўйди: — Ҳамма ҳам, ҳатто ёш бола ҳам мустақил юришни атак-чечакдан бошлайди. Мустақил юришга ўрганиш даврида жуда кўп йиқиладилар, лекин орадан маълум вақт ўтгач эса, у катталардан ҳам тезроқ чопадиган бўлиб кетади.

Устоз юқори вольтли кабинага бир назар ташлаши биланоқ «касал»нинг қаерда эканлигини топди. Ишкал генераторни уйготувчи, уни ишга солувчи контакторда эди. Михаил Ефимович шогирди — Саъдулла Мусаевни ўз олдига чақирди ва ишкал жойни кўрсатди, сўнг уни қандай қилиб тузатиш зарурлигини тушунтирди. Шундан сўнг Саъдулла енг шимариб ишга киришиб кетди.

— Билмининг таги йўқ бўлгашогирдининг ишига разм солиб турар экан, — бирор ҳунарни роса ипидан-игнасигача ўрганаман десанг, унинг ҳам борган сари янгидан-янги хусусиятлари очилаверади. Кимки, бўлди, менинг ўрганадиган жойим қолмади деса, у жуда катта хато қилади. Ахир билмаганни сўраб ўрганмаган ўзига золим деб бекорга айтмаганлар-ку.

Саъдулла «касал»ни тузатгач, устозига мурожаат қилди:

— Миша амаки (деподагиларнинг ҳаммаси Михаил Ефимовични шундай деб аташади), қани кўринг-чи, тўғри қилибманми?

Устоз шогирдининг ишини кўздан кечирар экан, унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Молодец!

Ҳадемай тўхтаб қолган секция яна ишлай бошлади. Локомотив яна аввалгидек куч-қувватга тўла навқирон йигитлардек ерни ларзага солиб, чўл бағрини ёриб ўз манзили томон суръатни оширакетди...

Михаил Ефимович Ледяев Тошкент тепловоз депосининг кекса ва тажрибали ишчиларидан бири. У, 25 йилдан бери муттасил мамлакат экономикасининг қон томири ҳисобланган темир йўл транспортида ишлаб келаётир. 1950 йилда депомизга бир қанча тепловоз келди. Бизда ўша вақтда тепловоз бўйича машинистлар йўқ эди. Шу сабабли ҳам маъмурият тепловозларни кекса ва бой тажрибага эга бўлган паровоз машинистларига топширди. Шулардан 312-сонли тепловоз Михаил Ефимовичга берилди. У, қисқа муддат ичида янги локомотивни жуда яхши ўзлаштириб олди. Миша амаки бирор камчилик юз берса, локомотивнинг у ер-бу ерини титиб кўрмасдан, балки дизелнинг қай тарзда «юрак тепиши»дан уни аниқлайди.

Ледяев ўзи қатнайдиган участканинг баланд-пастини жуда яхши ўзлаштириб олганлиги учун, локомотивнинг кинетик қувватидан унумли фойдаланади. Бу эса унга кўплаб ёнилги тежаб қолиш имконини бераётир. Михаил Ефимович биргина ноябрь ойининг ўзида 3 минг килограммдан ортиқ ёнилги тежаб қолди. У шу муддат ичида оғир юкли составларда белгиланганидан бир неча минг тонна ортиқ халқ хўжалик юкларини ташиди. Ледяев ўз тажрибасини касбдошларига, айниқса ёшларга қунт билан ўргатади. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туради. Бу учрашувларда у, темир йўл транспортидаги катта ўзгаришларни қиқоя қилиб беради.

— Илгарилари, — дейди Миша амаки, — Тошкентдан Арисгача кунлаб юрар эдик, ҳозир эса бу масофани бир неча соатда ўтамиз. Ўша вақтларда составларнинг ўртача юриш тезлиги соатига 30-40 километрдан ошмас эди. Эндиликда локомотивларимиз составларни илгаригига қараганда анча тезликда гортаётир. Составларнинг оғирлиги 500-600 тоннадан ошмас эди. Ҳозир эса поездларнинг ўртача оғирлиги 2000-2500 тоннани ташкил этади. Аввалари локомотивлар бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 120, жуда борса 150 километр масофани босарди, эндиликда бу кўрсаткич 500 километрдан ҳам ошиб кетди.

Оталардек меҳрибон устоз Михаил Ефимович Ледяевдан депомиздаги ёшларнинг ҳаммаси беҳад хурсанд. Ҳозир унинг шогирдларидан кўпчилиги мустақил равишда муваффақият билан ишламоқдалар. Улар ўз устозларининг номини ҳамма вақт ҳурмат билан тилга оладилар.

Искандар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент тепловоз депосининг машинист ёрдамчиси.

Намунали агитпункт

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 43-агитпункт Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти биносига жойлашган.

Бу агитпунктда халқ судлари сайловига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Агитпункт мудири институтнинг илмий ходими ўртоқ Иброҳимов агитпункт ишини қатъий план асосида ташкил этган. Агитаторлар билан бир неча марта семинар ўтказилиб, уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Агитпунктда сайлов ҳақида консультация берувчи агитатор-консультант, юридик консультант, уйжой бошқармасининг вакили навбатчилик қилмоқда. Сайлов пункти овоз бериш кабиналари шинам қилиб безатилган, бюллетень ташлайдиган қутилар тахт қилиб қўйилган. Агитпунктнинг ўқиш хонасига сайловчиларнинг ўқиши учун турли газета, журнал, брошюралар мавжуд. Катта залда телевизор ва радио приёмник ўрнатилган. Сайловчилар ҳар куни телевизор орқали кино-картина кўрмоқдалар, радио эшитмоқдалар.

Шу кунларда агитаторлар сайловчилар ўртасида СССР гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари, совет сайлов системаси, сайлов Низомн тўғрисида мазмунли суҳбатлар ўтказмоқдалар. СССР Олий Советининг Совет Иттифоқи халқларига қарата чиқарган Мурожаатини, шунингдек, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашининг Декларациясини сўзлаб бермоқдалар. Айниқса, А. Сухарькова, Балабанова, Старковская, Краснов, Челюканов, Давтян каби агитаторлар бу соҳада бошқаларга намуна бўлаётирлар. Агитпункт иш планида сайловчилар учун халқаро аҳвол ва яна бошқа темаларда бирнеча лекция ўтказиш белгиланган.

З. АХТЯМОВА.

Агитация иши қизитилмоқда

Сирдарё район 25-етти йиллик мактаб ўқитувчилари Сталин номли колхоз ҳузуридаги агитпунктларда халқ судларига бўладиган сайлов муносабати билан тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар.

Ўқитувчи агитаторлардан Н. Саидов, Н. Мамбетова, Х. Шарипов ва М. Йўлдошев ўртоқлар хонадонларга бориб уларга сайлов тўғрисидаги Низомни, СССР Олий Совети сессияси материалларини, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясини ҳамда Тинчлик манифестини тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Улар шунингдек, агитпунктларни жиҳозлаб, у ерда оммавий-сиёсий ишларни қизитмоқдалар, халқ суди ва маслаҳатчилигига номзоди кўрсатилган кишиларни кенг пропаганда қилмоқдалар.

А. КУЧАРОВ.

Темир йўлчиларнинг Халқ хўжалиги кенгашлари билан ҳамкорлиги

Саноатни бошқаришнинг қайта қурилиши темир йўл транспорти ишларига ижобий таъсир қилмоқда. Тошкент магистрали бошқармаси Ўзбекистондаги Халқ хўжалиги кенгашлари билан амалий алоқа боғлаган. Ҳозир ташиладиган юкларнинг 40 процента жойларнинг ўзида планлаштирилмоқда.

Кенг миқёсда юк ташишни маршрутлаштириш амалга оширилди. Фарғона иқтисодий районидан нефть, Тошкент иқтисодий районидан кўмир фақат маршрут билан боради. Красноярск ва Иркутск Халқ хўжалик кенгашлари Красноярск темир йўлидан Тошкент магистралига ёғочни маршрут билан жўнатишни ташкил этдилар.

Фарғона Халқ хўжалиги кенгаши жойларда пахта ташиш учун автомобиль транспортидан фойдаланиб, ой сайин икки мингтача вагонни узоқ рейсларга жўнатишга ёрдам берди.

Заводлардаги темир йўл ишлари ҳам тартибга тушиб қолди. Масалан, Йирик фабрикалардаги илгари иш билан тўла таъмин этилмаган маневр паровозлари Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг фармойишига биноан ҳозир маневр паровози бўлмаган қўшни фабрика, заводларга ҳам хизмат кўрсатаётир. Бир қатор корхоналарда юк ортиш ва бўшатиш ишлари механизациялаштирилмоқда.

Темир йўлчиларнинг Халқ хўжалиги кенгашлари ходимлари билан ҳамкорликда ишлашлари натижасида Тошкент магистралида вагонлар обороти 10 процент тезлашди. (ЎзТАГ).

Газета ва журналларни кўплаб тарқатайлик

Ўрта Чирчиқ районида 1958 йил учун газета ва журналларга обуна қилиш қизиб кетди. «Ленин йўли», Куйбишев номли Ворошилов номли колхозларда, 10, 28-мактабларда газета ва журналларга обуна қабул қилиш жуда уюшқоқлик билан ўтди. «Ленин йўли» колхозининг аъзолари янги йил учун 35.700 сўмлик газета ва журналга ёзилдилар. 1958 йилдан бошлаб колхоз 150 та «Қизил Ўзбекистон», 25 та «Правда Востока», 100 та «Тошкент ҳақиқати», 400 та район газетаси ва ўнлаб марказий, республика журналлари ола бошлайди.

Лекин шуни айтиш керакки, райондаги ҳамма ерда ҳам газета ва журналларга обуна бўлиш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айрим жойларда маҳаллий партия, совет ташкилотлари бу ишга етарлича эътибор бермаётирлар. Масалан, Киров номли совхозда ана шундай бўлмоқда. Совхоз директори Пак Сен-ер, партия ташкилотининг секретари Федин ўртоқлар ишчилар ўртасида газета ва журналларни кенг тарқатиш уёқда турсин, ҳатто шу вақтгача совхознинг идора ва бўлимларя учун ҳам етарли миқдорда газеталарга обуна бўлмаганлар.

«Ҳақиқат», Сталин номли, Ильич номли колхозларнинг раҳбарлари 1958 йил учун газета-журналларга обуна бўлишни унутиб қўймоқдалар. Обуна қабул қилишнинг муддати ўтиб бораётганига қарамай, бу колхозларда фақат правление учунгина газета ва журналларга оз миқдорда пул тўланган, холос. Ҳали бу ерларда ўнлаб ҳонадон шу вақтгача газета-журналларга обуна бўлганлари йўқ.

Газета ва журналларни оммага кенг тарқатиш спёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим ишдир. Шу сабабли бу ишни уюшқоқлик билан ўтказишда маҳаллий партия, совет ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари керак. Бу эса меҳнаткашларни газета ва журналлар билан ўз вақтида таъминлаш имконини беради.

Й. ТОШПУЛАТОВ.

Обуна бўлмоқдалар

Янгийўл район Свердлов қишлоқ советидаги 3 ва 7-ўрта мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида янги йил газета ва журналларига обуна бўлиш зўр уюшқоқлик билан бормоқда. Ж. Жалилов, Х. Охунов, Ж. Қўрғонов, И. Тўйчиев каби ўқитувчиларнинг ҳар бири 4-5 тадан газетага, 3-4 тадан журналга обуна бўлдилар. Бу мактабларда 1958 йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш 3 кун ичида муваффақиятли тамомланди.

И. СОЛИЕВ.

Активлик билан

Оржоникидзе районидаги кўпчилик колхозларда, мактабларда янги йил учун газета ва журналларга ёзилиш анча муваффақиятли бормоқда. Ленин номли колхоз аъзоларидан жуда кўпи марказий, республика ва область газеталарига обуна бўлдилар. 50 га яқин колхозчи «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Шарқ юлдузи», «Агитатор блокноти» журналларига ёзилдилар.

Райондаги 32, 37, 39-мактабларнинг ўқувчи ва ўқитувчилари «Правда», «Тошкент ҳақиқати», «Ленин учқуни» газеталарига, «Совет мактаби», «Гулхан» журналларига ҳам обуна бўлдилар.

Районда газета ва журналларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда.

Н. ҚАЮМОВ.

Колхозда янги радиоузел

Бўка районидаги Мичурин номли колхозда янги радиоузел қурилиши қишлоқ меҳнаткашларининг маданий ҳаётида катта воқиа бўлди. Янги радиоузел орқали 350 колхозчи хонадонига радиоточкалари тушириди, қишлоқнинг беш жойига радиокарнайлари ўрнатилди.

Колхоз радиоузели эшитувчиларнинг талабига мувофиқ плёнкага ёзиб олинган энг яхши қўшиқ ва музикаларни эшиттириб туради. Бундан ташқари колхозчилар Тошкент ва Москвадан бериладиган эшиттиришларни ҳам ўз вақтида тинглашмоқдалар. Шунингдек колхоз партия ташкилоти ва правлениеси етиштирилган пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга ҳаммани жалб этишда радиоузелдан кенг фойдаланмоқда.

К. ЕРНИЁЗОВ.

АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ГЎШТ, ЁҒ ВА СУТ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАРИЧИДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА ЕТИБ ОЛАЙЛИК!

Свердлов номли колхоз чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришни кўпайтириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги кўрсатмасини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. 11 ой ичида колхоз бўйича ҳар бир сигирдан 3450 литрдан сут соғиб олинган. Бу фойдаланиладиган 100 гектар ер ҳисобига салкам 365 центнерданга тўғри келади. Илғор сут соғувчилардан С. Гималетдинова 16 бош сигирнинг ҳар биридан 3600, Ж. Акбарова 18 бош сигирнинг ҳар биридан 3500, М. Хайриддинова 20 бош сигирнинг ҳар биридан 3500 литрдан сут соғиб олдилар. СУРАТДА: сутчилик фермасида. Ферма мудири Ўртоқ Я. ЮСУПОВ, илғор сут соғувчи М. ХАЙРИТДИНОВА Ўртоқлар сигирларни электр қуввати билан соғилишини кузатмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Чорва маҳсулотларини мўл-кўл қиламиз

Колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ маҳсулотларини етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги қарорини бажариш учун курашиб бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Бу қарор чорвачилик хўжаликнинг энг сермаҳсул соҳаси эканлигини, колхозчилар хонадонининг янада фаровон бўлиши учун хўжаликнинг бу соҳасини ҳам янада ривожлантириш зарур эканини яна бир марта таъкидлади.

Қуйидан планлаштиришнинг жорий қилиниши натижасида сўнгги йилларда маккажўхори, хашаки лавлаги каби экинларни кўплаб экабошладик. Уларни чорва моллари суйиб ейди. 1956 йилда фермамизни 67 бош зотли сигир билан тўлдирдик, натижада планда белгиланган 67,5 тонна ўрнига давлатга 83,5 тонна сут топширилди, ёки ҳарбир сигирдан 1890 литрдан сут соғиб олишга эришилди.

Бу ютуқлардан илҳомланган колхоз чорвадорлари 1957 йилда ўз устларига янада оширилган мажбурият олдилар, яъни ҳар бош сигирдан 2100 литрдан, жами 170 тонна сут тайёрлашга аҳд қилдилар. Улар соғин сигирларни турли хил озуқалар билан тўйдириб боқишлари, яхши парвариш қилишлари натижасида бу мажбуриятни 10 ойдаёқ ошириб бажардилар, ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2100 литрдан сут соғиб олинди. Моҳир сут соғувчилардан Маҳсума Ғуломова, Хурсаной Асқаровалар ўзларига биркитилган 15 бош сигирнинг ҳар биридан 2550-2650 литрдан сут соғиб олиб йиллик планни ошириб бажардилар.

Ўз навбатида чорвачиликнинг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётирмиз. Чунончи 10 ойдаёқ 25 минг дона ўрнига 33500 дона тухум тайёрланиб, план ошириб бажарилди, пландаги 229 центнер ўрнига ҳозир 315 центнер гўшт топширилди.

Колхозимиз аъзолари чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрдилар. Барча отхона, молхоналар сифатли ремонтдан чиқарилди, 1340 тонна силос бостирилди. Бу ҳар бош молга 20 тоннадан тўғри келади. 103 гектар ердаги бедани 4 марта ўриб олиб 200 тонна беда, 250 тонна хашак-сомон тайёрланди, 40 тонна кунжара, 5 тонна кепак жамгардик. Эртаги пиёз экиладиган майдонларга кузда хашаки лавлаги экиб 250 тонна хашаки лавлаги ҳосили олдик. Биз ем-хашак қанча мўл бўлса, чорва маҳсулотлари шунча кўп бўлишини яхши биламиз.

Ф. ЗИЁМУҲАМЕДОВ.

Қорасув районидаги «Коминтерн» колхозининг раиси.

Бир колхознинг илғор чорвадорлари

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози асосан пахтакор хўжалик ҳисобланади. Шу билан бирга бу ерда чорва молларидан кўплаб маҳсулот олинмоқда. Колхознинг илғор сут соғувчилари ўз боқимларидаги сигирларни меҳр билан парвариш қилаётганликлари учун улардан кўплаб сут соғмоқдалар. Чўчқабоқарлар ўз боқимларидаги чўчқаларни ҳамма вақт соғлом сақлайдилар. Уларни кўпайтириш учун курашадилар.

Чорвачилик йили якунланаётган шу кунларда хурсандчилик билан айтиш мумкинки, чўчқа фермасидаги колхозчилар ўз вазифаларини яхши бажарганликлари учун чўчқалар сони анча кўпайган. Ҳозир фермада 168 та чўчқа боқилмоқда. Шунингдек колхознинг товуқчилик фермасидаги ишлар ҳам қаноатланарлидир. Пландаги 23 минг 550 дона ўрнига 350 товуқдан 25 минг 850 дона тухум олиниб топшириқ 112 процент бажарилди. Бу ютуқка эришишда товуқбоқар Абдулла Бадавлатов жуда яхши ишлади.

Сут соғувчилардан Зулайхо Тўйчиева, Ойпошша Шодмонова ўртоқлар ўз боқимларидаги 14 бошдан сигирни ҳамма вақт тўйдириб боқаётганликлари, вақти-вақтида прогулкага олиб чиқиб турганликлари сабабли улардан мўлжалдагидан анча кўп сут соғиб олаётирлар. Бу илғор сут соғувчилар ҳозиргача ҳар бир сигирдан икки ярим минг литрга яқин сут соғиб олдилар.

К. СОБИРОВ.

Беданинг янги сорти

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси Марказий селекция станцияси кўп йиллик ўсимликлар лабораторияси ходимлари беданинг «Тошкент-957» деб аталган янги сортини вужудга келтирдилар. У, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби ўртоқ Т. Г. Гриценко томонидан ихтиро қилинган. Беданинг бу янги сортининг мавжуд беда сортларидан фарқи шуки, унинг илдиз системаси ривожланган бўлиб, тўрт метр чуқуррокка бориб етади, натижада, у тупроқнинг структурасини яхшилаб, ернинг юза қатламини озуқа моддалари билан бойитади.

Текшириш шуни кўрсатдики, янги сорт беда экилса уч йил давомида ҳар гектар ерда 400 килограммгача азот, фосфор ва калий тўплаш мумкин. Бунинг натижасида кейинги йилларда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 10-12 центнер кўпаяди. Янги сорт беданинг иккинчи муҳим хусусиятларидан бири шуки, у кўп уруғ беради.

Станция ходимлари бу янги сорт беда уруғини областнинг колхозларида ҳам экиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Отоқли педагог

— Ал, ла, эл, ил — бу бўғинларнинг ҳар бири «л» товушимизга унли товушлар қўшиш билан ясалади. Аммо эски араб ёзувидаги «л» товуши эса гапнинг маъносига қараб унли товуш қўшилмасданоқ турлича талаффуз қилинади.

Аудитория бу сўзларни диққат билан тингламоқда. Тингловчиларнинг кўзи доскага чиройли қилиб ёзилган араб ёзувларига тикилган. Улар ўқитувчининг ҳар бир сўзини иштиёқ билан тингламоқдалар.

— Бой хазинага эга бўлган нодир ёдгорликларимизни асл нусҳасидан ўқиб фойдаланишимиз учун бу алифбени ўрганиш айниқса сизлар — бўлғуси филологлар учун жуда зарур.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тил-адабиёт факультети студентлари ўқитувчининг ҳар бир сўзига ташналик билан қулоқ солмоқдалар. Студентлар чеҳрасидан табассум аримайдиган, ёшги анчага бориб қолганига қарамай ҳали жуда тетик, кекса педагог Тўхтаназир акани жуда ҳурмат қиладилар. Уни ўзларининг энг яқин меҳрибон устозлари деб биладилар. Ҳатто танаффус вақтида ҳам улар ўқитувчи теварагини ўраб олиб у билан суҳбатлашишни яхши кўрадилар. Тўхтаназир ака уларнинг саволларига хушмуомалалик билан жавоб қайтарар экан:

— Ҳўш! Яна қандай сўроқларинг бор? Доно қизларим, — деб эркалаб ҳам қўярди. Доно қизлар эса саволларига тугал жавоб олгач, севинчлари ичига сиғмай бу ўқитувчини институт дарвозасигача кузатиб қўйишади.

Чарчашни билмайдиган, бой тажрибага эга бўлган моҳир педагог Тўхтаназир ака институтдан чиқиб тўппа-тўғри яна ўқувчилар олдига ошиқади.

Мана Ленин номли хотин-қизлар педагогика билим юрти. Бу ерда Тўхтаназир ака салкам 30 йилдан бери ўқитувчилик қилади. Эндигина 7-синфни тугатиб касб эгаллашга биринчи марта қадам қўйган ўсмир қизларни тарбиялайди, ўқитади, ўргатади.

Тўхтаназир ака билим юртига кириши билан гулзор ёқасида кетишаётган 3-4 қиз баравар:

— Салом домла, — деб қарши олишди. Домла бу қизларга ўзбек тили грамматикасини ўқитади. Кун қорайиб, кеч тушгандагина кекса ўқитувчи вазмин қадам ташлаб уйи томон йўл олади. Уйда ҳам тинчиш қаёқда дейсиз. Одатланиб қолгандан кейин қийин-да, аввал билим юрти ўқувчиларининг контроль ишларини текшириш, кейин мактабларда она тили дарсликлари, олий ўқув юртлари студентлари учун эски араб алифбеси китобини ёзиш ва бошқа ижодий ишлар билан банд бўлади...

* * *

Республикамизнинг кекса ўқитувчиси, маориф соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати туфайли халқ ҳурматига сазовор бўлган Тўхтаназир Шермуҳамедов 1917 йил революциясининг биринчи кунлариданоқ Октябрнинг сўнмас қуёшидан баҳраманд бўлди. У, Ўзбекистонда биринчи бўлиб саводсизликни тугатиш, халқни маълумотли ва маданиятли қилиш ишига киришди. Шу билан бирга Тўхтаназир ака ўзининг ўқитувчилик малакасини, илмий бойлигини ошириш устида ишлаб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетини битириб чиқди.

Республикада Тўхтаназир акани барча, айниқса ўрта мактаб ўқитувчилари яхши танийдилар. Чунки у ўзбек тили ўқитилишини яхшилаш мақсадида қатор илмий ишлар ёзди. Ўрта мактабнинг V—VII синфлари учун ёзилган морфология, синтаксис ва ўзбек тили машқлар тўплами дарсликлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари ўзбек тили ўқитувчилари учун ёзилган V—VII синфларда кўчирма гапларни ўқитиш тажрибалари деган илмий методик қўлланмаси ўқитувчилар учун катта тортиқ бўлди.

Республика педагогика билим юртларида ўзбек тилининг ўқитилиши отоқли педагог ёзган ўқув программаси асосида олиб борилади. Педагогика билим юрти — сиртқи бўлими ўқувчилари ўртоқ Шермуҳамедов ёзган контроль ёзма ишдан унумли фойдаланиб келмоқдалар.

У ўзида ҳосил бўлган бутун тажрибаларини бўлажак ёш ўқитувчиларга сингдирар экан, улардан юксак принципиалликни, онгли ҳаракат қилишни, ўз касбининг моҳири бўлишни талаб этади.

Ўтган 40 йил мобайнида Шермуҳамедов минглаб кадрлар етиштирди. Улар орасида шоира Зулфия Исроилова, доцент Нуриддинов, аспирант Очилов каби мингларча шогирдлар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида муваффақият билан ишламоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республиканинг отоқли ўқитувчиси ўртоқ Шермуҳамедовнинг фаолиятини юксак баҳолади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонини берди. Ҳурматли ўқитувчи педагогик фаолиятининг 25 йиллигида эса СССР Олий Совети Президиуми уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

Ўртоқ Шермуҳамедов СССР Олий Совети Президиуми Фармонлари билан 1946 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали ва 1949 йилда Ленин ордени билан мукофотланди.

Бундан ташқари Тўхтаназир ака Ўзбекистон Олий Совети, маҳаллий советлар, ишлаб турган ўқув юртлари томонидан Фахрий ёрлиқ, табрикномалар олган. У 1944 йилдан буён шахсий пенсия олиб туради. Тўхтаназир ака жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб келмоқда. У тўртинчи марта Тошкент шаҳар Советига депутат бўлиб сайланиб, халқ ишончини шараф билан оқлаб келмоқда.

Тўхтаназир ака ўқитувчилик қилиш билан бирга Ўзбекистон маориф министрлиги ҳузурида илмий методик кенгаш аъзоси сифатида илмий методик ишларга иштирок этиб туради.

Ундан таълим-тарбия олган ҳар бир ёш ўқитувчи ўз устозидек бўлишни орзу қилади.

«Мен ўз касбимдан ғоят мамнунман, ўз касбим билан фахрланаман. Халқ ўртасидаги обрўйим эса менга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги натижасидир. Қарилик, пенсияга чиқиш пайтим келди. Ёшим 68 га борди. Аммо ҳали илмий ишлар қилиш, ўқитишдек шарафли ишдан ажралгим келмайди». Ҳурматли кекса ўқитувчи ижодий меҳнатни давом эттирмоқда.

Э. КАРИМОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Бўз ерни уйғотганлар ҳақида очерклар

Очерк бадиий адабиётнинг энг ҳозиржавоб жанрларидан бири бўлиб, у ҳаётни, ҳеч қандай қўшимчасиз, реал ва бадиий акс эттиради, кишилар, уларнинг меҳнат ва курашлари ҳақида ҳикоя қилади.

Рус адабиётида кенг тараққий этган бу жанр кейинги пайтларда ўзбек адабиётида ҳам анчагина жонланиб қолди. Газета ва журналлардагина босилиб қолмай, алоҳида китоблар ҳам чиқа бошлади. Бу жиҳатдан яқинда Ўзбекистон Давлат Бадиий адабиёт нашриёти китобхонларга совга этиб чиқарган «Бўз ер уйғонди»[1] очерклар тўпламини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу ёш авторнинг биринчи китобидир.

Бу китобнинг энг муҳим фазилати унинг тематик оригиналлигидир. Китоб автори Шотурсун Ғуломов ўзбек ёзувчиларидан ҳеч бири кўл урмаган темани — Қозоғистон чўллари темасини олади. Унда бўз ерларни зўр жасорат билан ўзлаштираётган, чўл ва биёбонлар қўйнига ҳаёт ва фаровонлик элтаётган ажойиб табиатли совет ватанпарварлари образини, уларнинг қайноқ ва қувноқ ҳаётини кўрамиз. Улар «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» бу азим саҳро қўйнида, партия продасини амалга ошириб, социалистик меҳнат зафарларини қўлга киритадилар. Бўз ерни асрий ғафлат уйқусидан уйғотиб, чексиз экинзорларга айлантирадилар, инсон учун хизмат қилишга мажбур қиладилар. Улар турли миллат вакили бўлишига қарамай, улкан қозоқ чўлида бир оила фарзандларидек ақил ва ҳуррам яшашади. Бири шофер, иккинчиси дурадгор, учинчиси агроном, тўртинчиси тракторчи, хуллас афсоналарда айтиладиган етмиш икки ҳунарнинг ҳаммаси бўз ерга келган йигит ва қизлар фаолиятида мужассамланган. Ҳаммаси ҳам шўх, дилкаш, ҳаммаси ҳам хушчақчақ. Бири иккинчисига ёрдам беради, камчилигини тузатади. Бири иккинчисини қўллаб-қувватлайди. Улар қийинчиликларда қўрқмайдилар. Оғирликни баравар елкада кўтариб ўтадилар. Улар ичида севикли қаллиғи ва ўғилчасини, қадрдон станогини ташлаб келган Семен («Бўз ер уйғонди») сингари оилали ишбилармон меҳнаткаш кишилардан тортиб уйланмаган, ота ва онасининг давлатида айш қилиб «Победа» ҳайдаб юрган Виктор сингари ишёқмас дангасаларгача бор. Ҳожи ва Люба сингари кўпгина ёшлар эса шу ерда бир-бирини севиб, янги рўзғор қурадилар. Хуллас очеркларда ҳикоя қилинган ёшларнинг ҳаёти жуда ажойиб ва мазмундор.

Ёшларнинг ана шу ажойиб ҳаётини кўрсатиб бериш жиҳатидан тўпламга киритилган биринчи очерк («Бўз ер уйғонди») алоҳида диққатга сазовордир. Бу очеркда автор ўзбек йигити Абдуалик ва унинг қадрдон дўсти рус ишчиси Семен образларини яратган.

Очеркда тасвир этилишича Семен Тошкентдаги авторемонт базасида «тўққиз йил ишлаган», «беш марта Фахрий ёрлиқ олган» отоқли токарь. У партиямизнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасидаги Чақиригига лаббай деб жавоб бериб, қадрдон станогини ташлаб этиб Қозоғистон чўлларига келган. Уни «тўполончи ўғли Серёжа», «жаззки қизчалари» ва завод коллективи, қолаберса бутун Тошкент кузатиб қолган. У улуг мақсад сари — Қозоғистоннинг Кўкчатов областига йўл олган. Мана, у чўл шамолида беланчакдай тебранаётган палаткада ўтириб пиджагини тикмоқда. У ҳозир уй пойдевори учун тош кўчирганн дарё лабига тушади. Азамат Ишим дарёси. Семен ва Абдуалик тош кўчирмоқда. Лекин фикри-ёди Тошкентда. Катталардек: «Эсингдан чиқмасин, хат ёзиб тур» деб қолган ўғлини эслайди. Ўзича сўзланади. «Унутмайман. Ўғлим, шу бугунок хат ёзаман» дейди. «Аммо ҳали сизларга хабар қилишга арзийдиган иш қилганимизча йўқ» дейди. «Бўз ер қалин қор тагида, уни уйқусидан уйғотиш керак», дейди ва бу йўлда тинч ўтирмаганлигини айтади. У янги уйлар қурилиб битганда оиласини олиб келмоқчи бўлади, лекин унгача ҳали анча вақт бор. «Семен ана шулар ҳақида ўйлайди. У ростдан ҳам тинч турмайди. Қурилиш ишларида қатнашиш билан бирга аллақандай бир китобни тошиб олиб туни билан ухламай, трактор, қисмларининг номларини ёдлайди». Ҳайдов бошланиши билан С—80 тракторини гуриллатиб янги ер очмоқчи. Ҳа, у шундай қилади. Ўз трактори билан чўл бағрига қўл уради. Совет халқи бахт-саодати учун бошланган ишнинг илғор курашчиларидан бири сифатида экиш ишларида фаол қатнашади.

Семеннинг дўсти Абдуалик ҳам ундан қолишмайди. Ўзбек йигитларига хос бўлган эпчиллик, пухталик каби яхши фазилати бор бу ажойиб йигит ҳам типиб-тинчимайди. У ҳам худди Семен сингари қурилиш ишларида қатнашади. Қурувчилар бригадасининг ўқишига қатнаб, финча уй қуриш йўлини ўрганади. Вақтини бекор ўтказмай, бўш қолган пайтларда агрономияга оид китобларни ўқийди. «Қор канча яхши сақланса, ер шунча сернам, ҳосил мўл бўлиши»ни ўрганади. Экиш пайтида плугни ўзи бошқаради.

Очеркда ишёқмас Виктор Гусев образи ҳам бор. У Семен ва Абдуаликлар характерига қарама-қарши қўйилган ҳолда тасвир этилади. Гусев «беш-ўн кундаёқ ёввойига ўхшаб кетадиган бўлдик» деб чўлга келганидан пушаймон ейди. «Соқолингни ҳам вақтида олдира олмайсан, сочингга ҳам қаролмайсан, кино ҳам кўролмайсан» деб шикоят қилади. Лекин турмушнинг аччиқ-чучугини ҳам у қадар фарқ қила билмаган, ҳавойилик билан Одесса иқлимида олифтагарчиликка ортиқча зеб бериб, оғирлик кўрмаган бу жингалак соч йигит Семен ва Абдуаликларнинг зарбасига учрайди. Жамоатчилик олдида шармисор бўлади. Комсомол мажлисида жазо олади.

Тўпламга киритилган Ҳожи билан Люба очерки ҳам ёш авторнинг муваффақиятидан далолат бериб турибди. Маълумки, бўз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги партия Чақиригига жавобан армия хизматидан бўшаб, ижодий меҳнат қучоғига қайтиб келаётган минглаб солдат йигитлар ҳам бўз ерларга бориб ишлашга ҳоҳиш билдирадилар.

Шотурсуннинг бу очерки ана шу ватанпарвар ёшлар ҳақида ҳикоя қилади. Унда биз Ҳожи билан бирга Чори, Ибод сингари тоғни урса талқон қиладиган девкор йигитлар ҳамда уларнинг шу ерга келиб топган севган қизлари Люба, Вера, Клавдия образларини кўрамиз. Улар бирга уй қуришади, бирга тўй ўтказишади, бирга ишлашади. Лекин дастлаб Ҳожининг ҳаракати бошқачароқ бўлади. У ишларни жўнаштириб қўйиб, ўзи туғилиб ўсган юртига қайтмоқчи бўлади... Ўзи билан бирга севган қизи Любани ҳам олиб кетмоқчи бўлади. «Тўйни шу ерда қилсагу, уйни бизнинг юртда қурсак» (45 бет) дейди. Лекин қиз «шунча ишларни қилиб ош пишганда ташлаб кетамиз дейсанми? Мен янги ерга пул-мол тўплаб кетиш учун келган эмасман. Шу ерда яшаб, яшнатиш учун келганман, сенинг мақсадинг ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим», деб ҳафа бўлади. Ҳожи Любадан бундай жавоб кутмаган эди. Боши қотади. Кетмай деса уйини соғинган, кетай деса бу ерда Любаси қолаяпти. Ҳайрон, бир томони дўстларидан ҳам андиша қилади. Бир кун отланиб станцияга ҳам чиқади. Бироқ, Люба, дўстлари кўз ўнгидан сира кетмайди. «Таъби хира», «Кўнгли хижил» бўлади, қайтади. Ўз қўли билан барпо этган совхози ва у ердаги тутишгандан эриёд бўлиб қолган ёр-дўстларининг муҳаббати устунлик қилади.

Автор Ҳожидаги руҳий қийналиш, ички қарама-қаршиликлар курашини ишонарли деталлар орқали тўғри кўрсатади.

Айниқса Ҳожи билан Люба ўртасидаги илиқ муносабат ва улар ўртасида аста-секин уйғониб бораётган меҳр-муҳаббат тасвири яхши чизиб берилган.

«Кўкчатов қирлари оша» очеркининг қаҳрамони асосан авторнинг ўзи бўлса ҳам биз унда Бабич, Елена, Семен, Павел, Екатерина Назаровна каби талай қаҳрамонлар билан таниша оламиз. Бу очеркдаги Бабич образи айниқса яхши эсда қолади. Автор уни афсонавий рус қаҳрамонларидек забардаст қилиб кўрсатади.

Биз очеркда янги ташкил этилган совхоз ҳаётидаги жуда катта ўзгаришларни, фидокор кишилар ва уларнинг ижодий меҳнат картиналарини кўрамиз.

Булар шубҳасиз автор эришган муваффақиятдан далолат беради. Бироқ, шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, тўпламдаги очеркларнинг ҳаммасида ҳам авторнинг ёшлиги, унча тажрибага эга эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор камчиликлар мавжуд. Бу нарса айниқса авторнинг ҳикоя қилиш услубида аниқроқ кўринади. Автор қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатни берганда баъзан мантиқий изчилликни бузади. Бир фикрни меёрига етказмай туриб, бошқасига ўтиб кетади. Шунингдек тасвирда бош мақсадга алоқадор бўлмаган воқиаларни барча ижор-чижиригача ифодалашга берилиб кетиб, асосий сюжет чизиғидан четга чиқиб кетади. Натижада мақсад аниқлигига путур етади. Мисол учун Викторнинг машина олиб қочиш воқиасини эслант (27 бет). Автор бу воқиани бериш билан Викторнинг яна ҳам баттарроқ бузилиб кетганлигини кўрсатмоқчи. Лекин уни худди бир қаҳрамонлик воқиасини ҳикоя қилаётгандай ипидан-игнасигача эмас, балки бирор қаҳрамон ёки автор тилидан айтилишнинг ўзи кифоя эди. Ана шу сабабларга кўра очерклар тилга олинган кўпгина қаҳрамонларнинг характерлари етарли даражада очилмаган. Улар асарда шунчаки келиб-кетувчи ҳашарчиларга ўхшаб қолган.

Китобхон тасаввурини хиралаштирадиган бу каби ортиқчалик ва камчиликлар очеркларнинг бадиий қимматига салбий таъсир этган.

Тўпламнинг тили тўғрисида ҳам асосан шу фикрларни айтишга тўғри келади. Унда ихчам, таъсирчан жумлалар, яхши ва маъноли ибора ва ифодалар бўлиши билан бирга бўш ва суюқ жумлалар ҳам учраб туради.

Бу ҳол, албатта автордан бадиий маҳорат устида тинмай ишлашни, қунт билан ўрганишни талаб қилади.

Ишонамизки, у бунинг уддасидан чиқади ва очеркчиликда бошлаган қутлуғ ишини изчиллик билан давом эттириб, китобхонларимизга янада сермазмун ва бадиий мукаммал асарлар совға қилади.

Ф. НАСРИДДИНОВ.

[1] ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957 йил. Редактори: Т. Жалолов.

Совет Ҳукуматининг Япония Ҳукуматига нотаси

СССРнинг Японияда Элчихонаси шу йил 5 декабрда Япония Ташқи ишлар министрлигига қуйидаги нотани топширди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Элчихонаси Япония Ташқи ишлар министрлигига ўз ҳурматини изҳор қилади ва Совет Ҳукуматининг топшириғига биноан қуйидагиларни камол ихтиром билан билдиради.

Совет Ҳукумати атом ва водород қуролининг ҳар қандай синовларини тўхтатишга изчиллик билан ва зўр бериб ҳаракат қилиб келмоқда ва бу масалани кечиктирмай ҳал қилиш манфаатларини кўзлаб, қуролсизланишнинг бошқа масалалари юзасидан битимга келишдан қатъи назар, бу синовларни тўхтатиш зарур деб ҳисоблайди. Атом қуроли синовларини тўхтатиш, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг соғлиғи учун хатарли бўлган ва ядро қуролини синаш натижасида вужудга келадиган радиация даражасининг янада кўпайишига ҳотима берган бўлур эди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши ана шу қуролнинг яна ҳам даҳшатлироқ турларини яратиш йўлига қўйилган жиддий тўсиқ бўлур эди, қуролсизланишнинг бошқа масалалари юзасидан тезроқ битим тузишга ва халқаро вазиятни яхшилашга ёрдам берган бўлур эди.

Совет Ҳукумати Японияда бу соҳада кўрилган бир қанча тадбирларга ижобий тарзда қаради, бу тадбирлар шу мақсадга тезроқ эришишга қаратилган тадбирлар бўлиб кўрилган эди. Япония Парламентининг ядро синовлари масаласи тўғрисидаги қарорига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессиясида бўлган умумий муноза-рада Япония Ташқи ишлар министрининг сўзлаган нутқига ҳамда Япония Бош Министрининг 1957 йил 24 сентябрда СССР Министрлар Совети раисига юборган мактубига Совет Иттифоқида ҳайрихоҳлик билан баҳо берилди. Бу ҳужжатларда атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш зарурлиги эътироф қилинган эди. СССР Министрлар Совети Раисининг жавоб мактубида ядро синовларини тўхтатиш, Япония Бош Министрининг мактубида айтиб ўтилганидек, қуролсизланишнинг бошқа масалалари ҳақида битимга келишни кутиб ўтирмасдан, амалга оширилиши керак деган масалада мамлакатларимизнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос келиб қолганлиги мамнуният билан қайд қилинди. Агар бизнинг мамлакатларимиз биргаликда шундай таклифи кўйганларида эди, бу нарса синовларни тўхтатиш масаласини тезроқ ҳал қилишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди.

Бироқ, Биринчи Сиёсий комитетда қуролсизланиш ҳақида умумий мунозара бўлаётган вақтда 30 октябрда шу мунозаранинг охирида Япония вакили сўзга чиқиб, Японияннинг резолюция проекти ядро қуроли синовларини тўхтатиш ва ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини кўзда тутади, деб ўқтириб ўтди. Японияннинг бундай позицияси Ғарб давлатларининг — АҚШ, Англия, Франциянинг — позицияларига мос бўлиб тушди, улар атом ва водород қуроли синовларини тўхтатишга қатъий равишда қаршилик кўрсатмоқдалар. Маълумки, бу давлатларнинг ҳукуматлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бу масалада иқтобланмаган, очиқдан-очиқ тескари йўл тутишга ботина олмайдилар, чунки бундай йўл тутиш, ҳеч шубҳасиз, уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам, шунингдек чет эллардаги жамоатчилик назаридагина эмас, балки ўз мамлакатларидаги жамоатчилик назарида ҳам гоят мушкул аҳволга солиб қўйган бўлур эди. Шу сабабли, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари ўз мақсадларига бир мунча иқтоблланган йўл билан эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар атом қуроли синовларини тўхтатиш масаласини қуролсизланишнинг бошқа масалалари билан, яъни Ғарб давлатларининг ўзлари тутаётган позиция сабабли ҳозирги вақтда, ҳеч шубҳасиз, бир битимга келиш мумкин бўлмайдиган масалалар билан боғлаб қўймоқдалар, жумладан, ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш масаласи билан боғлаб қўймоқдалар.

Япония ҳукуматига шу нарса маълум бўлиши керакки, ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш масаласи атом ва водород қуролини батамом тақиқлаш масаласининг ажралмас бир қисмидир, аввало бу масала атом ва водород қуролини қўлланишни тақиқлашни, шунингдек қуролнинг бу турларини ишлаб чиқаришни тўхтатишни, бу хилдаги қуролларни давлатларнинг қуроллароғлари қаторидан чиқариб ташлаб, уларнинг мавжуд запасларини емириб ташлашни ўз ичига олади.

Шу фактни назар-эътибордан қочириш ярамайдики, атом ва водород қуролини батамом тақиқлаш тўғрисида битимга келинмаган бир шароитда ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисидаги таклифнинг атом уруш хавфини йўқотиш иши учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмайди. Аксинча, бундай таклиф халқаро вазиятни ёмонлаштириб юбориши мумкин, холос.

Ғарб давлатларининг шундай таклиф киритишдан асосий мақсадлари шуки, АҚШ, Англия ва Франция атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласида битимга келишга йўл қўймасликка интилмоқдалар. Шу факт ҳаммага маълумки, АҚШ ва унинг Ғарбдаги иттифоқчилари атом ва водород қуролини ўз қурол-яроғларига асосий восита қилиб олиш йўлини тутмоқдалар. Бу хусусда расмий равишда айтилган гаплар оз эмас. Буни АҚШ президенти Эйзенхауэр билан Буюк Британия бош министри Макмилланнинг охирги қўшма ахбороти ҳам кўрсатиб турибди. Шу қўшма ахборотда, улар ўзларининг бутун умидларини ядро қуролига «эга бўлишга» тикиб қўйганликлари ва улар ядро қуролидан «даҳшат солувчи куч» тариқасида фойдаланиш тарафдори эканликлари очиқдан-очиқ айтилган.

Бинобарин, АҚШ ва унинг Ғарбдаги иттифоқчилари ядро қуролидан фойдаланишни тақиқлашга рози бўлишни истамаётирлар, атом ва водород қуролининг тўпланган запасларини тугатишга рози бўлишдан бош тортмоқдалар. Аксинча, АҚШ бу қуролни тағин ҳам кўпроқ «такомиллаштирмоқ» учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Буни амалга ошириш мақсадида АҚШ атом ва водород қуролининг янгидан-янги турларини синаб кўрмоқда. АҚШ атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келиш йўлидаги ҳамма имкониятларни йўққа чиқармоқ учун бу масалани ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш масаласи билан боғлаб қўйди.

Ҳозирги вақтда ядро қуролининг турли типларини ишлаб чиқаришдан иборат кенг программани амалга ошираётган ва шу мақсад билан ядро қуроли синовларини ўтказаётган Англия ҳукумати ҳам атом ва ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бирор битимга келишга бутунлай қарши бўлиб чиқмоқда. Буюк Британия ташқи ишлар министрлиги 1957 йил 1 ноябрдаги нотасида яна бир қанча шундай синовлар ўтказилади, деб расмий равишда эълон қилди. АҚШ ҳукумати сингари Буюк Британия ҳукумати ҳам атом ва водород қуроли синовларини ўз территориясидан узоқда бўлган очиқ денгизда, жанубий денгизлар районида ўтказмоқда ва хатарли район деб эълон қилинган райондаги ороллар ёки шу районга туташган ороллар яшовчи аҳолини тахлика остида қолдирмоқда.

АҚШ, Англия ва Франция ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи материаллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисидаги таклифни қуролсизланиш ишида олга томон қадам қўйиш мақсадида киритаётганлари йўқ. Улар, бундай таклиф ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келишга тўсқинлик қилади, деб ўйламоқдалар, лекин ҳатто бундай таклиф қабул қилинган тақдирда ҳам бу нарса уларнинг АҚШда тўпланган парчаланувчи моддаларнинг жуда кўп запасларидан атом ва водород қуроли ишлаб чиқариш планларини амалга оширишларини заррача тўхтатмаган бўлур эди ва улар бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхтовсиз давом эттираберган бўлур эдилар.

Мана шулардан кўриниб турибдики, атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласини қуролсизланишнинг бошқа масалалари билан боғлаб қўйиш Ғарб давлатларининг бу масалада эришмоқчи бўлган мақсадларига, яъни атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида битимга келишга йўл қўймаслик мақсадига хизмат қилади. Бироқ, Бош Ассамблеянинг XII сессиясида Япония делегати ўтказаётган ва аслини олганда Ғарб давлатларининг мазкур позициясига мос бўлиб тушаётган позицияни Япония ҳукуматининг, биз ядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатишга интилаётирмиз, деб айтган гаплари билан қандай қилиб келиштириш мумкинлигини тушуниш маҳол.

Япония Ҳукумати ва унинг Бош Ассамблеядаги делегацияси атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласида Ғарб давлатларининг позициясига мос бўлиб тушадиган позицияни эгаллаганликлари, бу эса, ҳеч шубҳасиз, Бош Ассамблеянинг бу масалада ижобий қарор қабул қилиш имкониятларини қийинлаштирганлиги хусусида Совет ҳукумати ўзининг афсусланганлигини изҳор қилмаслиги мумкин эмас.

Совет Ҳукумати Япония Ҳукумати атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласини қуролсизланишнинг бошқа масалалари билан боғлаб қўймасликни лозим топиб, бу билан ядро қуролининг шу турлари синовларини ядро қуролини батамом тақиқлаш йўлида қўйиладиган биринчи қадам сифатида ҳеч бир кечиктирмай ва ҳеч сўзсиз тўхтатиш тўғрисида тегишли давлатлар ўртасида битимга келишни осонлаштирур, деб умид билдиради».

АМЕРИКАДА ЕР СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИ УЧИРИШ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАДИ

ВАШИНГТОН, 6 декабрь. (ТАСС). Мудофаа министрлигининг эълон қилган расмий ахборотида бундай дейилади: ичига Американинг сунъий йўлдоши ўрнатилган «Авангард» ракета системаси бугун шарқий стандарт вақт билан соат 11-45 минутда (Москва вақти билан соат 19-45 минутда) учирилмоқчи бўлганида портлаб кетган. Портлаш натижасида ракета ва сунъий йўлдош ҳам емирилган. Мудофаа министрлиги вакилларининг Америка матбуотига берган хабарида айтилишича, ўттиз кунчадан кейин Америкада Ернинг сунъий йўлдошини учириш йўлида яна ҳаракат қилиш мумкин.

ФИНЛЯНДИЯ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

ХЕЛЬСИНКИ, 6 декабрь. (ТАСС). Бугун Финляндия халқи ўз мустақиллигининг 40 йиллигини нишонламоқда. Фин халқи бу мустақилликка Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида эришган эди.

Бугун Хельсинкида миллий байрам бўлди. Республика президенти У. К. Кекконен байрамда нутқ сўзлади. Байрам муносабати билан мамлакатдаги 550 коммунал жамоа номидан Финляндия президентига табрикнома топширилди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ ҲАФТАЛИГИ

Туркманистон ва Тожикистоннинг ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа совет республикаларининг меҳнаткашлари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ҳафталигини кенг нишонламоқдалар. Корхона ва муассасаларда бу ҳафталикка бағишланган йиғилишлар ва кечалар ўтказилмоқда.

Ашхободдаги Калинин номли механика ойна заводи коллективининг кўп кишилик йиғилиши бўлди. Туркманистон пойтахтидаги энг йирик корхона бўлган бу заводнинг ишчилари, инженерлари ва хизматчилари ўз сўзларида Осиё ва Африка мамлакатларининг тинчлик учун ва ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган халқларига қизғин хайрихоҳлик билдирдилар.

Туркманистоннинг Карл Маркс номидаги давлат кутубхонасида «Осиё ва Африка халқларининг озодлик ва миллий мустақиллик йўлидаги кураши» деган темада виставка очилди.

Ашхобод, Красноводск, Чоржуй, Мари ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларнинг кинотеатрларида шу кунларда хитой, ҳинд, миср ва корейс фильмлари кўрсатилмоқда.

Сталинободда, Фирдавсий номли Давлат кутубхонасида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ҳафталигига бағишланган виставка очилди. Виставканинг ўнта стендига қўйилган китоблар, журналлар, мақолалар ва фотографиялар тамошабинларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Миср, Жазоир ва бошқа мамлакатлардаги халқлар миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланишига кўрсатган таъсири билан, Осиё ва Африка халқларининг озодлик, тинчлик ва дўстлик йўлидаги кураши билан таништиради. Декабрь ойининг охирида Қоҳирада ўтказиладиган Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясига бағишланган материаллар эътиборни жалб этади.

Тошкентда



Суратда: харидорлар Киров кўчасидаги 99-болалар ўйинчоқлари магазинининг филиалидан арча безаклари сотиб олмоқдалар. **В. Салов** фотоси.

Харидорларнинг сиртқи конференцияси

1-«Ташпромторг» савдо ташкилоти харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида турли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, бу ташкилот шаҳарнинг Марказий ва Ленин районларидаги 7, 36, 99, 125 ва 1-магазинларда 25 ноябрдан 8 декабргача харидорларнинг сиртқи конференциясини ўтказмоқда.

Конференция ташкил қилинган магазинларда алоҳида столларга сиёҳ, ручка ва таклиф дафтари, махсус бланкалар қўйиб қўйилган. Конференция ўтган кунларда харидорлар магазинларда савдо ишини ҳар томонлама яхшилаш ва санитария қоидаларига риоя қилишга қаратилган жуда кўп қимматли таклифларни киритдилар. Шунингдек, айрим савдо ходимларининг фаолияти тўғрисида танқидий фикрларни ҳам айтдилар.

Сиртқи конференция бугун тамом бўлади. Тўпланган материаллар тез кунда «Ташпромторг» савдо ташкилотида кўриб чиқилиб, харидорларнинг савдо хизматини яхшилашга қаратилган конкрет таклифлари амалга оширилади.

Дўстлик кечаси

Яқинда пойафзал тикувчилар техника мактаби билан кийим-кечак тикувчилар техника мактабининг бирлашувига бағишланган «Дўстлик кечаси» ўтказилди. Кечада иккала мактаб ўқувчилари «дўстлик ва ўртоқлик» деган темада лекция тингладилар. Лекциядан сўнг биродарлик ва иноқликка доир кинофильм кўрсатилди.

Кеча жуда кўнгилли ўтди.

Касаба союз ходимларининг семинари

Яқинда Киров район партия комитети касаба союз ходимларининг бир кунлик семинарини ўтказди. Семинарда завод, фабрика касаба союз комитетларининг, шунингдек қурилиш, савдо ташкилотлари ва муассаса касаба союз маҳаллий комитетларининг раислари қатнашдилар.

Семинар асосан касаба союз ходимлари иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида чақирилган эди. «Узбексельмаш» заводи касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Усмонов семинар қатнашчиларини завод касаба союз ташкилотининг цехларда касаба союз йиғилишларини, шунингдек завод комитети мажлисларини ўтказиш соҳасидаги тажрибаси билан таништирди. 5-гишт заводлар бошқармаси касаба союз комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Козубов корхона касаба союз комитетининг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш фаолияти ҳақида гапириб берди.

Шунингдек 1-тикувчилик заводи касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Меренкова касаба союз комитетининг ташаббуси билан айрим цехларда техника контроли бўлимининг контролёрлари тугатилиб, маҳсулотнинг сифати устидан ишчиларнинг ўзлари контроллик олиб бораётганликлари ҳақида сўзлади.

Семинар қатнашчилари семинардан ўзларининг бундан сўнгги амалий фаолиятлари учун фойдали бўлган кўп нарса ўрганиб олганликларини айтдилар.

1700 дан ортиқ путёвка

Тўқимачилик комбинатининг касаба союз комитети ишчи-хизматчиларнинг маданий дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари тўғрисида яхши ғамхўрлик қилмоқда. 1957 йилда комбинат ишчи-хизматчиларидан 1700 дан ортиқ кишига санаторий, дам олиш уйи, курорт ва туристик путёвкалари берилди.

Туристик путёвка билан Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилган 38 киши сафардан жуда катта таассурот билан қайтдилар. Марказий курортларда бўлган 216 киши орасида тўқувчилар А. Қобулова, С. Пўлатова, ремонтчи А. Исматхўжаев, мастер ёрдамчиси Р. Каримбердиев, йиғирувчи З. Ячгурова ва бошқа ўртоқлар бор.

«Эсперанто» тилини ўрганмоқдалар

Халқаро «эсперанто» тили бутун дунёга машҳурдир. Турли мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқалари боғлашда бу тилдан минглаб кишилар яхши фойдаланадилар. Айрим мамлакатларда «эсперанто» тилида ҳатто журналлар ҳам нашр этилади.

Тошкентдаги 2-трамвай депосида ҳам бу тил билан қизиқувчи ҳаваскорлар оз эмас. Ўтган йили ташкил қилинган тўгарак аъзолари «Эсперанто» тили грамматикасини ўрганган эдилар. Яқинда бу ерда жамоатчи пенсионер И. Ф. Ковалевский раҳбарлигида «эсперанто» тўгараги яна ўз ишини бошлади. Машғулотлар чоршанба ва шанба кунлари ўтказилмоқда. Орадан бир неча ой ўтгач, тўгаракка қатнашаётган «эсперанто» тили ҳаваскорлари бу тилни ўрганиб олиб, чет мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан дўстона хат ёзишиш имконига эга бўладилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

„Ленин“ атом музёрари сувга туширилди

ЛЕНИНГРАД, 5 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда 16 минг тонна ҳажмдаги «Ленин» музёрари сувга туширилди. Бу музёрар атом двигатели ўрнатилган жаҳонда биринчи кемадир.

Совет халқи ва унинг бутун дуёдаги дўстлари Ленинград ишчиларини ва мутахассисларини одатдан ташқари музёрар қуришнинг муҳим босқичини туғаллаганликлари билан табриклашлари мумкин. Бу музёрарга ҳар бир меҳнаткашнинг қалбидан мустаҳкам жой олган энг азиз кишининг номи берилди. Энди бу музёрар «Ленин» атом музёрари деб аталади.

... Биз инженер билан бирликда атом музёрари устига чиқдик. Музёрар ўзининг баландлиги билан 6 каватлик уйга тенг келадиган кемадир. Инженер бизни бу кеманинг асосий жиҳатлари билан таништирди. Бу кема Арктикадаги совет музёрар кемалари флотининг флагмани бўлиб қолади. Кеманинг узунлиги 134 метр, унинг энг кенг жойидаги эни 27 метрдан кўпроқдир.

Кеманинг усти худди кенг кўчага ўхшайди.

— Бу ерда, — дейди инженер, кеманинг қуйруқ қисмини кўрсатиб, — икки вертолёт учун майдонча ва бино бўлади.

Биз кеманинг тепасидан зина билан унинг машиналар турадиган ички қисмига тушдик. Бу ерда хоналар кўп, бунақа хоналар 1000 га яқин. Кема бўйлаб чўзилган, асосий турар жой йўлаклари деб аталган йўлакдан юриб бормоқдамиз. Бу ерда кема экипажи учун бир кишилик ва икки кишилик каюталар (хоначалар) жиҳозланади. Бу каюталарда кемада келгусида ишловчи ходимлар учун жуда кўп қулайликлар бўлади, шу жумладан кундузги ёруғлиқ лампалари, ҳавони тозалаб турадиган аппаратлар ўрнатилади.

... Вақти келиб музёрарнинг ичидаги катта марказий хонага жуда бақувват ядро реактори ўрнатилади. Кеманинг юраги бўлган реактор бу катта кемага ҳаёт беради, 44 минг от кучи қувватига эга бўлган асосий двигателларни ҳаракатга келтиради. Кема ҳажмининг ҳар тоннасига 2,75 от кучи тўғри келади. Бунчалик катта энергияга эга бўлган бақувват музёрар Арктика флотида ҳали шу вақтгача бўлган эмас. Бу кема музламаган денгиз сувида 18 узел тезлик билан юра олади, яъни унинг тезлиги соатига тахминан 32 километр бўлади.

Ҳозирги замон музёрарлари узоқ сафарга жўнаган вақтда икки минг тоннага яқин кўмир ёки нефть олиб йўлга тушади. Бу ёқилғи бошқа портларга кўмир ёки нефть олиш учун кирмай икки ой юришга кифоя қилади. «Ленин» атом музёрари учун бунчалик кўп ёқилғи ғамлашнинг ҳожати йўқ. У кунига бир неча ўн грамм ядро энергияси сарфлайди, холос. Бу эса, музёрарнинг Арктика муз саҳроларида кўп ойлар давомида ҳеч бир портга кирмасдан кезиб юришига имкон беради.

Бугун чошгоҳда атом музёрарини сувга туширишга маросими бўлди. Бу тантанага кемасозлар коллективи билан бирликда ленинградликлардан минглаб кишилар тўпланди.

Кемани сувга туширишдан олдидан қисқа митинг бўлди.

КПСС Ленинград обкомининг секретари С. П. Митрофанов КПСС область ва шаҳар комитетлари номидан кемасозларни энг мураккаб техника иншоати қуришнинг биринчи босқичидаги ишларни муваффақиятли равишда тугаллаганликлари билан қизғин табриклади.

Митингда денгиз флоти министрининг ўринбосари А. С. Колесниченко, Ленинград халқ хўжалиги кенгаши раиси В. Н. Новиков сўзга чиқдилар.

СССР Кемасозлик саноати министри А. М. Редькин юборган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилди.

Охирги, энг ҳаяжонлантирувчи дақиқалар келди. Инженер А. И. Горбушиннинг музёрар сувга тушиш учун тўла равишда тайёр бўлди, деган рапорти радио орқали ҳамма ёққа янгради.

Кемани стапелда ушлаб турган охирги механизмлар олинганидан кейин чиройлик музёрар минглаб кишиларнинг қаттиқ «ура!» садолари ва қарсаклари остида дастлаб сирғилиб, сўнгра эса секинлиги 5,2 метр тезлик билан Нева сувига тушиб кетди. Сувга тушиб бораётган лангарлардаги занжирларнинг шақиллагани ҳамма ёққа эшитилди. Кемадаги флагштокка кўтарилган Ватанимизнинг давлат байроғи денгиз шамолида ҳилпиллади.

Сўнгра буксирлар музёрарни кемасозлик заводи деворлари олдига судраб олиб борди. Бу ерда музёрар кема узил-кесил қуриб битказилади. Ҳали кемасозларнинг олдида яна кўп ишлар турибди: улар кеманинг ҳамма ускуналарини ўрнатиб бўлишлари, кемада пардозлаш ва бошқа ишларни бажаришлари керак. Улар бу ишларни ҳам муваффақиятли равишда бажаришларига аминдирлар. Совет атом музёрари партия ва ҳукумат белгилаган муддатда ишга тушади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/XII да кундуз **Ганг дарёсининг қизи**, кечқурун **Оғриқ тишлар**, 10/XII да **Ганг дарёсининг қизи**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/XII да кундуз **Жизель**, кечқурун **Чио-Чио-Сан**, 10/XII да **Галька**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ҳинд филлари** аттракциони. Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **«Надежда» крейсерининг экипажи**, кундуз 4, кеч 6 ва 8 да **Саша ҳаётга қадам қўяди**, кеч 10 да **Икки иқрор**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Саша ҳаётга қадам қўяди**, кундуз соат 2 ва кеч 6 да **«Надежда» крейсерининг экипажи**.

Луначарский посёлкаси, Школьная кўча, 27-уйда турувчи **Суннатулла Ҳасановнинг** Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, Ёш ленинчи проезди, 18-уйда турувчи Мунаввар Рустамовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

М. Горький кўчаси, Вагонний проезд, 1-тупик, 25-уйда турувчи **Давлатша Нуруллаевич Салюковнинг** Қоратут кўчаси, 1-тупик, 4-уйда турувчи Гульнас Абдрахмановна Салюковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек колхоз, совхоз, МТС, корхона, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

1958 йил январь ойидан
МАКТАБГАЧА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН
(«Мурзилка» журнали типидаги)
„ҒУНЧА“
НОМЛИ ЯНГИ ОЙЛИК РАНГДОР ЖУРНАЛ
чиқа бошлайди

Обуна Ўзбекистон ССРнинг ҳамма алоқа ва «Союзпечать» бўлимларида, шунингдек жамоат обуна вакиллари ва почтальонлар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 12 сўм.

Обуна ҳар қанча нусхага қабул қилинади.

Тошкентдаги
4-ТИПО-ЛИТОГРАФИЯ
буюртмачилар қоғозидан ҳар қанча миқдорда, юқори сифатли, ҳар хил
РАНГДОР МАҲСУЛОТ
(бадиий плакатлар, муқовалар, рангдор болалар китоблари, афишалар, этикеткалар ва бошқалар)
ТАЙЁРЛАШ УЧУН
заказ қабул қилади

Тайёрлаш муддати буюртмачилар билан келишилади.

Адрес: Полиграфическая кўча, 74-уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26324 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07866. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1896.